Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 19 август ● сешанба ● № 36-37 (596) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

ЭРТАГА – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ ВА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Ислом КАРИМОВ:
Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир.

● Истиқлолнома

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон Халқ шоири

Истиқлол сўзин айтсам
Кўксимда чинор ўсар,
Лайлаклар уя қурган
Бухорий минор ўсар,

Набирам лаҳжасида
Тоғдайин виқор ўсар,
Ғунчалар нафасидан
Жаннатий ифор эсар,

Қатраси дур ёмғирлар
Шивалаб, баҳор эсар,
Озода руҳ Тоҳирлар
Савлатида сор ўсар,

Чақмоқ урган тутларнинг
Бағрида дутор ўсар,
Бургутфеъл йигитларнинг
Кўкайида ор ўсар,

Бешикдаги бек болам
Ҳаққа ҳаводор ўсар,
Маликчўл — қутлуғ далам
Исириқ-тумор ўсар,

Шаҳидлар қалқиб бедор,
Тириклар ҳушёр ўсар,
Юртим юксалиб қирқ газ
Элим эркиёр ўсар,

Руҳлар — уйғоқ, шаън — уйғоқ
Тилимда алёр ўсар,
Истиқлол сўзин айтсам,
Кўнглимиз минг бор ўсар.

МУҚАДДАС ТУЙҒУ

Инсоннинг муқаддас туйғу ва орзулари кўнглида яшайди. Шу муқаддас туйғуларнинг энг аввали эса Озодликдир. Кўҳна тарих саҳифаларининг қай бирида озодлик ҳақида сўзлар битилган бўлса, албатта, унда курашлар ва не-не қурбонлар ҳақида ҳам ёзилган.

Қадимги юнон файласуфи Августин: "Агар ғафлатда ётган халқни уйғотмоқчи бўлсанг, даставвал унинг тарихини уйғотгин", деган эди. Дарҳақиқат, тарихнинг уйғониши тафаккур эврилишларини юзага келтиради. Тарихнинг уйғониши уни билишимиз ва англашимиздир. Истиқлолга эришгач, биз ҳам эртанги кунимиз равнақи буюк аждодларга муносиб бўлишга боғлиқ эканлигини англадик. Халқ тарихи билан тирик. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, ўтмишсиз келажак йўқ.

Истиқлолнинг тарих учун қисқа, лекин оламшумул йилларида мамлакатимиз ҳаётида ҳар соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Шу билан бирга халқимиз руҳиятида ҳам ўзига хос янгиланишлар силсиласи кечди. Истиқлол ҳар биримизнинг ҳаётимизга янгиликлар олиб кирди. Хусусан, мустақиллик юртимиз ёшлари учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз томонидан келажагимиз эгалари бўлган ёшларга катта эътибор қаратилди.

1991 йил 20 ноябрда **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди. Унда ёшларга оид сиёсат давлат фаолиятининг устувор йўналиши сифатида эътироф этилди. Ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори тўла-тўкис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш мақсадида муҳим вазифалар белгиланди. Мустақиллик йилларида қабул қилинган **"Таълим тўғрисида"**ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, **"2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури"** ва бошқа бир қатор қонуний ҳужжатларнинг изчил самаралари юртимиз ёшлари эришаётган улкан ютуқларда яққол намоён бўлмоқда. Амалга оширилаётган хайрли ишларнинг давоми сифатида қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган кенг кўламли тадбирлар ҳам ёшлар манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг эртанги иқболи, ёрқин истиқболи бугун камол топаётган ёшларнинг билим ва салоҳияти, эл-юртга садоқати, шижоатига боғлиқ.

Озодлик яшаш учун эҳтиёж эмас, балки яшашнинг ўзидир!

Фикри озод инсон яратувчандир, эл-юрт фаровонлиги шундан. Шу боис Мустақилликнинг буюк масъулияти бор. Уни англаш ҳар бир юртдошимизни улуғвор ишларга, бизга беқиёс яратувчилик имкониятларини берган истиқлолни асраб-авайлашга мангу ундайверади.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан ибратли ишлар қилиняпти. Жорий йилнинг ўтган олти ойида мазкур бўлимга фуқаролардан 165 та шикоят келиб тушди. Уларнинг 43 таси қаноатлантирилди. 29 та ариза муаллифларига ҳуқуқий тушунтириш берилди. 41 та ариза асоссиз деб топилди, 39 та ариза ва шикоятлар мазмунига кўра чора-тадбирлар кўриш учун бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотларга юборилди.

● Адлия ёрдам берди

ТАЛАБНОМАЛАР ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ

Фуқаро Райҳон Худойқулова Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган юридик хизмат бугунги кун талаби даражасида эмаслиги боис бирлашмада қонунбузарлик ҳолатлари рўй бераётганлиги юзасидан адлия бошқармасига ариза ёзган эди. Аризани ўрганиб чиқиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бирлашма ҳуқуқшуноси А.Тоғаев ўз вазифасига масъулиятсизлик ва совуққонлик билан ёндашиб келган. Термиз шаҳар тиббиёт бирлашмасига юридик хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда қонунийликни етарли даражада таъминлай олмаган юридик хизмат ходими А.Тоғаевни қаттиқ интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома киритилди. Айни кунда ушбу тақдимноманинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Термиз шаҳар 4-кичик даҳа, 8-уйда истиқомат қилаётган Хидир Назаров ёшга доир нафақага чиқиш учун барча ҳужжатларни расмийлаштириб, ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этган, лекин унинг қонуний талаби ижтимоий таъминот бўлимининг айрим масъул ходимлари томонидан пайсалга солиниб, кейинчалик унинг пенсияга чиқиш талаби рад этилган.

Х.Назаровнинг шу мазмундаги аризаси юзасидан таъминот бўлимига талабнома киритилди. Ушбу талабномага кўра, фуқаро Хидир Назаровга ёшга доир пенсия тайинланишига эришилди.

Вилоят адлия бошқармаси қошида ташкил этилган "Ишонч телефони"га келиб тушган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига тааллуқли бўлган 14 та мурожаат бўлим ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Уларнинг 10 таси қаноатлантирилди, 2 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 2 та ариза юзасидан эса ўрганиш ишлари давом эттирилмоқда.

Шуҳрат НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими

Хорижликлар ҳайрати

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришнинг муҳим мезонидир

Адлия идоралари томонидан ёшлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид 4094 маротаба, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Шунингдек 98 та дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда мавзуга оид бошқа материаллар нашр қилинди. Олий ўқув юртларида ташкил этилган бир қатор илмий анжуманларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби ўнлаб масалалар илмий-назарий таҳлил қилинди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг муваффақиятли кечиши, улуғвор мақсадимиз бўлган ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Эътироф этиш жоизки, истиқлол йилларида мустақил юртимиз кишиларининг тафаккур даражаси, дунёқараши, мамлакатимиз ва жаҳоннинг тараққиёт жараёнларига, ҳар бир воқелик, ўзгаришларга муносабати тубдан ўзгарди. Жамият ҳар бир аъзосининг эркин фикрлаши, ўз қадр-қиммати, ҳуқуқларини билиши унинг шу жамият ҳаётида фаол иштирок этишига замин яратади. Инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилган мустақил мамлакатимизда буларнинг барчаси учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Жамият ҳаётида ёрқин ифодасини топаётган Бош қомусимиз, инсонпарвар қонунларимизнинг амалиётга татбиқ этилиши, уларнинг инсон манфаатлари учун хизмат қилиши аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти қай даражада ривожланганлиги билан узвий боғлиқдир.

• Жараён

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтиришнинг муҳим мезонидир

Бу борада қабул қилинган муҳим қонуний ҳужжатлар ижросини таъминлаш, аҳоли ўртасида кенг қамровли ҳуқуқий тарғибот ишларини самарали ташкил этишга катта эътибор қаратилиб, айниқса, ҳуқуқ соҳасига оид идора, ташкилот ва муассасалар зиммасига аниқ вазифалар юкланган. Президентимизнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"**ги Фармонида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар — давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури"**да аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишнинг муҳим асослари акс этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ижтимоий ҳаётда тўла таъминлаш нафақат қонун ҳимоячиларининг фаолияти, балки фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши, қонунларнинг мазмунмоҳиятини тушуниши билан кечадиган жараёнга ҳам боғлиқдир. Кишиларнинг қонунларга риоя этиши, ўзгаларнинг ҳуқуқини, одил судловни ҳурмат қилишига эришиш ҳам шуни тақозо қилади.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган ҳуқуқий тарғибот ишларининг самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб халқимизнинг ҳуқуқий маданияти шакланди ва айни пайтда у ривожланиш жараёнини кечирмоқда.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида давлат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш, ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш, кечиктириб бўлмайдиган ва истиқболли вазифаларни аниқлаш Адлия вазирлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Шу йиллар мобайнида Адлия вазирлиги ва унинг тизимига кирувчи идоралар томонидан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни таъминлаш борасида белгиланган аниқ режа ва дастурлар асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2008 йилнинг биринчи ярмида қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини ошириш мақсадида адлия идоралари томонидан **21669** маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шундан **4124** таси матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилди. Матбуот, радио ва телевидение орқали ҳуқуқий мавзуларнинг ёритилишида ҳуқуқшунос ва журналистларнинг ўзаро ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги яхши натижа бераётир. Дейлик, миллионлаб мухлислар диққатини жалб этувчи телевидениенинг кенг имкониятларидан фойдаланиш, республика ва вилоят телевидениеларида мутахассислар чиқишларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратилган. Шу билан бирга жойларда ўтказилган **16993** та оғзаки тарғибот тадбирлари тушунтириш маърузалари, давра суҳбатлари, семинар ва илмий-амалий анжуманлар шаклида ташкил этилди. Бундай тадбирлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари, қонуний ҳужжатлар мазмунини аҳолига содда тилда, тушунарли тарзда етказиш, ҳуқуқий билимларни эгаллаш ҳар бир киши учун қандай аҳамиятга эгалигини аҳамият берилиб, **229** турдаги плакат ва буклетлар беш мингдан зиёд нусхада тайёрланди. Шунингдек, **329** та дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, мавзуга оид бошқа материаллар нашр қилинди.



Адлия вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги туманлар ва шаҳарларда йил давомида аҳоли ўртасида учрашувлар, давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказиш режалаштирилган эди. Шунга кўра давлат ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириш тарғибот ишларининг самарали ва таъсирчан бўлишини таъминлайди, одамларда қизиқиш уйғотади. Шу маънода аҳоли билан бевосита мулоқот ва учрашувлар, айтиш мумкинки, фуқароларни ўйлантираётган муаммоларнинг қонуний ечими ҳақида ҳуқуқий маслаҳат олиш имконини ҳам яратаяпти, десак янглишмаймиз. Кишиларимизнинг, аксарият ҳолларда, нотариал ҳаракатлар, фуқароларнинг мурожаатлари, меҳнат қонунчилигига оид ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида кўпроқ билишга интилаётгани кузатилмоқда.

Ҳуқуқий тарғибот ишлари таъсирчанлигини ошириш мақсадида мазкур тадбирларни кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб боришга ҳам алоҳида тижаларга эришилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, вазирлик ходимлари ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан **693** марта, Олий хўжалик суди билан **436**, Бош прокуратура билан **634**, Ички ишлар вазирлиги билан **784** маротаба ҳамкорликда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширишди. Шуни қайд этиш жоизки, фуқароларимиз нафақат ўз муаммолари, балки қонунчилигимизни мустаҳкамлашга оид, ижтимоий ҳаётдаги у органлари ва жамоат ташкилотлари масъул ходимларининг жойлардаги қишлоқлар ва овуллар аҳолиси билан учрашувлари аниқ жадваллар асосида ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида Меморандумлар имзоланган бўлиб, улар юзасидан тузилган 2008 йилги ҳамкорлик режаларининг икки томонлама ижросига жиддий эътибор қаратилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натузилган ҳамкорлик режасига асосан шу йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳри, Фарғона, Сирдарё, Навоий, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Тошкент, Қашқадарё, Андижон вилояти адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон телевидениесининг бир қатор информацион дастурларида ҳуқуқий мавзуларда кўплаб чиқишлар қилинди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ёки бу масалаларнинг қонуний ечими, соҳалар тараққиётига хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш ҳақида ҳам таклиф, мулоҳазалар билдиришаётгани эътиборга молик.

Жорий йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини янада ривожлантириш мақсадида имзоланган Адлия вазирлиги билан Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ўртасида 2008 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастурларига мувофиқ мазкур вазирликлар билан **1700** дан зиёд тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, Адлия вазирлиги билан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича ҳамкорлигида режа асосида жорий йил давомида пойтахтимиздаги маҳаллаларда, коллеж ва лицейларда умумтаълим мактабларида, хотин-қизлар қўмиталарида "Вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқи ва имтиёзлари", "Ёшларнинг таълим олиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Ёшлар йили" давлат Дастурининг аҳамияти", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари" мавзуларида кўплаб қизиқарли учрашувлар ўтказилди. Шунингдек, вазирлигимиз ходимлари, Тошкент Давлат юридик институти ва мазкур институт қошидаги академик лицей, Тошкент юридик коллежи профессор-ўқитувчилари иштирокида нотиқлар гуруҳлари ташкил қилинди. Ушбу гуруҳлар томонидан ҳозирда пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда мунтазам равишда ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилмоқда. Мулоқотлар чоғида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ҳаётий, қизиқарли бўлиши, муҳими, унда йиғилганлар мавзуга оид саволларига асосли жавоблар ола билиши, ёшлар ҳуқуқи масалалари борасида батафсил тушунтиришлар беришга катта эътибор қаратилмоқда.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, адлия идоралари томонидан ёшлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид **4094** маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Шунингдек, **98** та дарслик, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар ҳамда мавзуга оид бошқа материаллар нашр қилинди. Олий ўқув юртларида ташкил этилган бир қатор илмий анжуманларда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби ўнлаб масалалар илмий-назарий таҳлил қилинди. Олий Мажлис Сенати, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар, илмий ва ўқув муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилган бир неча семинарларда "Ёшлар йили" Давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш амалиётидан келиб чиқиб, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш ишларини такомиллаштириш, бу борадаги муаммоларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Маълумки, Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижроси доирасида Адлия вазирлиги ташаббуси билан республика миқёсида сайёр кўргазма ташкил этилди. Инсон ҳуқуқларига оид китоб ва журналлар намойишига бағишланган ушбу сайёр кўргазма белгиланган жадвал асосида 5-26 июнь кунлари жойларда намойиш қилинди. Кўргазма Тошкент Давлат юридик институти биносида йил охиригача намойиш этилади. Яна бир жиҳати, ушбу тадбир ҳуқуқий тарғибот ишлари билан уйғун равишда ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий тарғиботга оид йўналишларда 20 дан зиёд дастурлар асосида кенг қамровли тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Бундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг самараси ўлароқ, аҳолининг ҳуқуқий тафаккури тубдан ўсди, фуқароларимиз мустақил юртимизда инсон манфаатлари устувор эканлигини чуқур англаб етдилар, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимларни ўрганишга иштиёқ ортяпти. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси йил сайин ўсмоқда.

Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"Қонуннинг устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсуниш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш — бу ривожланган бозор иқтисодига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришнинг нафақат мақсади, энг муҳим шарти ҳисобланади".**

Собир ХОЛБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари

• Қонун моҳияти

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ: 224-МОДДАГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛДИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўрттинчи ялпи мажлисида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Ана шу қонунлардан бири — "Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Қонун матбуотда расман эълон қилинди ва кучга кирди.

Қонуннинг асосий мақсади, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлиги учун жиноий жавобгарликни шундай қилмишлар учун солинадиган жарима суммаси миқдорининг энг юқори чегарасини ошириш йўли билан кучайтиришдан иборатдир.

Жиноят кодексининг "Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш" деб номланган 224-моддасининг биринчи қисмида чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, вақтинча ёки доимий прописка, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, Ўзбекистонда бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан дастлаб маъмурий жазо қўлланилади. Агар бундай қилмиш такроран содир этилса, айбдор шахс жиноий жавобгарликка тортилади.

Ана шу моддданинг биринчи қисми санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Киритилган ўзгартиш жарима суммаси миқдорини энг юқори чегарага қадар оширишни, яъни энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима белгиланишини назарда тутмоқда. Киритилган ўзгартиш ноқонуний миграцияга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ҳамда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги масъулиятини ошириш имконини беради.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Мазкур саҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари бўйича ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Андижон вилояти прокуратураси фаолияти бўйича тайёрланди.

ЗИММАДА – МАСЪУЛИЯТЛИ ВАЗИФА

Булоқбоши тумани прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Андижон вилояти прокуратураси томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йилнинг 6 ойи мобайнида прокуратура органлари томонидан 60 та текшириш ўтказилди. Текшириш якунига кўра, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида 96 та тақдимнома, қонунга зид тарзда қабул қилинган 52 та ҳужжатга нисбатан протест киритилиб, 145 нафар шахс келгусида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳақида огоҳлантирилди. Шунинг баробарида, қарор ҳамда тақдимномалар асосида 118 нафар шахс интизомий, 163 нафари маъмурий, 25 нафари моддий жавобгарликка тортилган ва 7 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат манфаатини кўзлаб етказилган 20 миллион 440 минг сўмлик зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари судига 67 та хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатини кўзлаб хўжалик судига 2 миллион 478 минг сўмлик даъво аризалари киритилган.

Маълумки, мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришга кенг йўл очилгани баробарида унинг ҳуқуқий кафолатлари яратилди. Қолаверса, кейинги йилларда бу соҳа вакилларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чунончи, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Жумладан, 2008 йил 5 ойида 2469 нафар шахсга нисбатан 1627 та жиноят иши кўрилиб, уларнинг 99 фоизида прокурор иштироки таъминланди. Шу давр мобайнида 908 нафар шахсга нисбатан 852 та иш ярашув асосида ҳаракатдан тугатилди.

Жазони енгиллаштириш юзасидан прокурорлар томонидан протестлар келтирилиб, жиноий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғри татбиқ этилиб, адолатли суд қарорлари қабул қилиниши таъминланаётир. Жумладан, маҳкум О.Аҳмаджоновнинг суд томонидан асоссиз равишда ўта хавфли рецидивист деб топилганлиги ҳақидаги мурожаати ўрганилиб, суд ҳукмига нисбатан 2008 йил 7 майда назорат тартибида протест киритилган. Протест вилоят суди раёсатида кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган ва маҳкумга қаттиқ тартибли колонияда жазо муддатини ўташ тўғрисида суд ҳукмига ўзгартириш киритилган.

Фаолиятимизда Омбудсманнинг Андижон вилоятидаги вакили билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, гуруҳга вилоят прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи доимий аъзо сифатида киритилган.

Фуқаро ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг давлат органлари, прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш ўз фаолиятини амалга оширишдаги устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда минтақавий вакил томонидан амалга оширилаётган барча тадбирларда прокуратура органлари ходимларининг доимий иштироки таъминланмоқда.

Фуқаро З.Матрўзиева ва бошқаларнинг Андижон шаҳридаги марказий поликлиникада йўл қўйилаётган қонунбузарликлар хусусида минтақавий вакилга ёзган аризаси бўйича ўтказилган текшириш натижасида аниқланган ҳолатларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Текширишда поликлиникадаги мансабдор шахслар мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, Меҳнат кодексининг 164-моддасига зид равишда 2006 йил 1 июлдан 2007 йил 1 майга қадар 148 нафар ходимнинг иш ҳақини уларнинг розилигисиз ушлаб қолиб, ходимлар манфаатларига кўп миқдорда зарар етказганлиги аниқланган. Андижон шаҳар марказий поликлиникаси мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга нисбатан жиноий жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

2008 йилнинг 5 ойида 1410 та мурожаат келиб тушган бўлиб, 573 таси бевосита прокуратура ходимлари томонидан ҳал этилган. Шунингдек, прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари томонидан 5 ойда 757 нафар фуқаро қабул қилинган. Меҳнат жамоаларида қабул қилинган фуқароларнинг сони 541 нафарни ташкил этди.

Вилоят прокуратура органлари томонидан "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижроси юзасидан ўтказилган 12 та текшириш бўйича 60 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан 5 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг барчаси прокуратура органлари томонидан кўриб чиқилиб, 1 таси қаноатлантирилган, 4 тасига тушунтиришлар берилган.

Мурожаатларни текширишда бевосита муаллифнинг иштироки таъминланиб, якунига кўра, тўпланган материаллар билан бевосита танишиб чиқиш имконияти ҳам берилган. Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарор ижроси прокурор назоратига олинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғига кўра, прокуратура органларида ҳар ярим йилда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти таҳлил этилиб, умумлашма натижалари тезкор йиғилишлар ва ҳайъат мажлисларида кўриб чиқилади.

Фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар текшириш натижаларига кўра судларга даъво аризалари киритиш орқали ундирилиши таъминланмоқда Жумладан, 2008 йилнинг 5 ойида 278 миллион сўмни ундириш ҳақида 309 та даъво аризаси киритилган.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишдек катта масъулият прокуратура органлари зиммасига юклатилган. Бу масъулиятли вазифани уддалашда бундан кейин ҳам самарали фаолият изчил давом эттирилади.

Қалқон ЖЎРАЕВ,
Андижон вилояти прокурорининг ўринбосари

Олтинкўл тумани прокурорининг ёрдамчиси Холмуҳаммад Эрматов туман прокуратурасида ташкил этилган "Ёшлар ҳуқуқий маркази"да вояга етмаганлар билан суҳбатлашмоқда.

ХАЛҚ, МУЛКИГА ХИЁНАТ

кечирилмайди

Аслида тадбиркорлик осонгина даромад келтирадиган иш эмас. Чунки бу фаолиятдан манфаатдор бўлиш учун тинмай изланиш, доимо ҳаракатда бўлиш зарур. Лекин кўпроқ фойда олиш илинжи айримларнинг тўғри йўлдан четга чиқиб, имкониятларни суиистеъмол қилишларига сабаб бўлмоқда.

Бундай ҳолат туманимиздаги "Файз қурилиш кўрки" хусусий корхонаси томонидан содир этилди.

Корхона қурилиш ишларини бажариш билан шуғулланади. Улар 2007 йил 21 май куни Андижон вилояти "Сувоқова" ОАЖ ташкилоти билан умумий қиймати 26 миллион сўмлик пудрат шартномасини тузади. Шартномага кўра, туманимизнинг Андижон шаҳарчасидаги Саноат кўчаси аҳолисига 1,5 километр жойдан ичимлик суви тармоғини қуриш вазифаси юклатилади. Бундан ташқари, ўша куннинг ўзида яна Андижон вилояти "Сувоқова" ОАЖ ташкилоти билан умумий қиймати 14 миллион сўмлик Андижон шаҳрида таъмирлаш ишлари учун пудрат шартномаси тузади. Шартномаларга асосан буюртмачи дастлаб бажарувчи ҳисоб рақамига 20 миллион сўм маблағ ўтказиб беради.

Ўз навбатида бажарувчи ҳам ишга керакли қурилиш материаллари олиш ва айрим ишларни бажариш учун Андижон шаҳрида жойлашган "ОАЗИС ЭДЕЛ ВЕЙС" МЧЖ, "Мафтункор савдо элегант" МЧЖ, "Ирода-92" хусусий корхонаси ва "Ташаббускор меҳри" МЧЖ билан шартнома тузади. Шартномаларга асосан керакли қурилиш ашёлари, компьютер ва китоб жавони сотиб олинади. Бундан ташқари, асбоб-ускуналар ўрнатиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Афсуски хусусий корхона раҳбари А.Йўлдашев ва бош ҳисобчи М.Нуриддинов йўлдан адашди. Халқ учун ҳомийлик маблағи эвазига бажарилаётган ишлар ва материалларга қўшиб ёзилди.

Корхона томонидан бажарилган ишлар қайта назоратдан ўтказилганда 1 миллион 423 минг 670 сўмлик ишлар бажарилмаганлиги аниқланди. А.Йўлдашев ва М.Нуриддиновлар ўзаро жиноий тил бириктираётганларида ноқонуний иш бир кун келиб ташвиш келтиришини унутишган кўринади.

Улар энди қонун олдида жавоб беришади.

Каримжон МАМАТОВ,
Булоқбоши тумани прокурори

Қўрғонтепа тумани прокуратурасининг катта терговчилари Рустамжон Жалилов ва Лазизбек Баракаевлар навбатдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Табиатдаги мавжуд бойликлардан исроф этмаган ҳолда фойдаланиш лозим. Чунки, ҳар қандай ерости ва ерусти бойлиги захиралари тугаши табиий, албатта.

НОПОКЛИК ЭТАГИНИ ТУТГАНЛАР

албатта, қонун олдида жавоб берадилар

Афсуски, худбинликни ўзига одат қилиб, "фақат менга бўлсин..." қабилида иш тутадиган юртдошларимизнинг борлиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳолбуки, улар ўзларини ишнинг кўзини биладиган, уддабурон деб ҳисоблайдилар. Аслида кўпчилик ҳақини ўзлаштириш на диний ва на дунёвий мезонларга мос келмаслигини тан олмайдилар.

Олтинкўл тумани, Кўмакай ҚФЙ ҳудудида яшовчи Ш.Назиров 2007 йил октябрь ойидан газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб, 2008 йил 22 январга қадар ноқонуний йўл билан фойдаланиб келгани оқибатида "Андижоншаҳаргаз" филиалига 2.376.220 сўм зарар етказган.

Андижонлик А.Фозилов ҳам 2006 йил 1 январдан то 2008 йилнинг 9 февралига қадар Андижон шаҳар, Олтинкўл кўчаси, 5-уйда жойлашган "Лаззат люкс" номли миллий таомлар ошхонасига табиий газни ноқонуний равишда улаб, фойдаланганлиги туфайли 6.775.860 сўмлик зарар келтирган.

Ш.Назиров ва А.Фозиловларнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 185-2 моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжудлиги сабабли жиноят иши қўзғатилди.

Яна бир фуқаро Д.Имомов ҳам Андижон шаҳар, Комил Яшин кўчасида жойлашган "Садоқат кошонаси" номли чойхонасига табиий газни ноқонуний улаётганда қўлга тушиши ва кўпчилик танишлари олдида ҳижолат бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Энди бу "ишбилармон" қонун олдида жавоб беради.

2007 йил 2 июлдан "Андижоншаҳаргаз" филиали мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими назоратчиси вазифасида ишлаб келган О.Оқиловнинг найранги ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. У 2008 йил 11 январь куни хизмат вазифасидан фойдаланиб, Олтинкўл тумани, Далварзин кўчаси, 80-уйда яшовчи Усмонжон Шокировдан 120 минг сўмни газ учун тўлов сифатида олган. Маълум бўлишича, бу назоратчи 2007 йил 27 декабрда ҳам Олтинкўл тумани, Далварзин ҚФЙ, 36-уйда яшовчи Акром Ҳусановдан газ тўлови учун 40 минг сўм пул олган. Аммо У.Шокировга бергани — ТИФ Миллий банк Андижон бўлимининг саккиз дона тўлов паттаси худди А.Ҳусановга берилган тўлов патталари каби сохта бўлиб чиқди. Мана шундай йўл билан "устамон назоратчи" "Андижоншаҳаргаз" ғазнасига келиб тушиши керак бўлган 320 минг сўм пулни ўзлаштирган. Энди у ЖКнинг 167-моддаси, 1-қисми бўйича қонун олдида жавоб бермоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кўпчиликнинг ҳақига кўз олайтирган кимса ўз қилмишига яраша жазоланади.

Бекмуҳаммад АҲМАДАЛИЕВ,
Андижон шаҳар прокурори

СУРАТДА:
Андижон шаҳар прокурори Бекмуҳаммад Аҳмадалиев бўлажак ёш ҳуқуқшуносларни ютуқлари билан қутламоқда.

"КЎКИ" КЎКАРТИРМАДИ

Маълумки, 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб республикамизда жорий операциялар бўйича сўмнинг эркин алмаштирилиши расман эълон қилинган. Бу эса иқтисодиёт барқарорлашувига, инфляция даражаси пасайишига, инвестиция жараёнига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўз навбатида ички валюта бозорининг эркинлашуви, товарлар экспорт-импорти, валюта олди-сотдиси, молиявий операциялар ва савдога алоқадор бўлган пул ўтказиш тушумлари эркинлашувига олиб келди.

Шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида миллий валютамизни чет эл валютасига айирбошлаш шохобчалари фаолияти туфайли аҳолининг эркин муомаладаги валютани ҳеч қандай тўсиқсиз сотиб олиш ёки сотиш имконияти туғилди.

Бошқармамиз ва ҳудудий бўлимларимиз томонидан валюта қимматликларининг ноқонуний олди-сотдиси билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш борасида қатор тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу тадбирларда мавжуд қонунларга чап бериб, хорижий валюта алмаштиришни ўзларига "касб" қилиб олганларнинг пайи қирқилмоқда. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 41 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Ҳуқуқбузарлардан 43150 АҚШ доллари, 97270 Россия рубли, 144200 қозоқ тенгеси, 70029 қирғиз соми далилий ашё сифатида олинди. Уларнинг 23 нафарига нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Маълумки, бозорларда, кўчаларда ноқонуний равишда валюта олди-сотдиси билан шуғулланиш таъқиқланганлиги кўпчиликка кундай равшан. Аммо ўз нафси йўлида буни унутаётганлар ҳам учраб турибди. Асакалик Эркин Холмирзаев ҳам "Текширувчилар шохида юрса, мен баргида юраман" қабилида иш тутди. Унинг дастлабки уринишлари зое кетмади. Озми-кўпми даромадли бўлди. Лекин кўза кунда эмас, кунида синади.

У харидорга 300 АҚШ долларининг ҳар бирини 1262 сўмдан, жами 378600 сўмга сотаётганида ушланди. Ундан 300 АҚШ доллари ва 10700 сўм ашёвий далил тариқасида олинди. Жиноят ишлари бўйича Асака тумани суди томонидан Э.Холмирзаевга нисбатан МЖтКнинг 170-моддасига асосан келгусида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаслик ҳақида расман огоҳлантирилди ҳамда ашёвий далил тариқасида олинган 300 АҚШ доллари ва 10700 сўмни давлат эгалигига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилиб, бу маблағлар давлат бюджетига ўтказилди.

Яна шундайлардан бири Валилулло Умаровдир. У ҳам харидорга 450 АҚШ долларининг ҳар бирини 1250 сўмдан, жами 562500 сўмга сотаётганида ушланди. Ундан жами 850 АҚШ доллари, 500 Россия рубли ҳамда 248000 сўм вақтинча ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди. Жиноят ишлари бўйича Асака тумани суди томонидан В.Умаровга нисбатан МЖтКнинг 170-моддаси билан энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари микдорида жарима жазоси тайинланди. Ундан олинган 850 АҚШ доллари ва 500 Россия рубли давлат эгалигига ўтказиш ҳақида қарор чиқарилиб, давлат бюджетига ўтказилди.

Комилжон Отабоев ҳам "қора бозор"да кун кўраётганлардан. У ҳам харидорга 1400 АҚШ долларини 1.803,000 сўмга сотаётган вақтида ушланган. Ундан 1400 АҚШ доллари, 5300 Россия рубли ва 720000 сўм ашёвий далил тариқасида олинди. Унга нисбатан ЖКнинг 177-моддаси, 2-қисми, "б" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Мазкур жиноят иши жиноят ишлари бўйича Асака шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, ашёвий далил тариқасида олинган 1400 АҚШ доллари, 5300 Россия рубли ва 720000 сўм давлат ихтиёрига ўтказилди. К.Отабоевга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 75 баравари, яъни 1.164.375 сўм миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, банклар эшиги очиқ турган бир пайтда, ҳақиқийлиги кафолатланган валютани олмасдан, шубҳали шахслар хизматидан фойдаланиш ҳар томонлама хавфли ва зарарлидир.

Эркин ХОЛМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаментининг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

Марҳамат туман прокурорининг ёрдамчиси Улуғбек Азимов АТБ "Пахтабанк" ходимлари билан қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақида суҳбатлашмоқда.

Тарихга назар ташласак, инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ғоялари зардуштийлик давридаёқ пайдо бўлганини кузатамиз ва инсоният тараққиётининг барча босқичларида у ўзининг долзарблигини йўқотмаган.

Шубҳасиз, бу борада ўтмишда изланишлар кўп бўлган. Масалан, қадимги юнон файласуфлари Пратогор ва Арастунинг инсон ва унинг қадр-қиммати тўғрисидаги фикрлари таҳсинга лойиқдир. Зардуштийлик фалсафасига кўра эса яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг ички дунёсида яшайди. Инсон қалби дунё каби эзгу ва қабиҳ хусусиятлар кураши майдонидир.

УЙҒОҚ ТАФАККУР

тарихий қарашлар ва бугунги умуминсоний ғоялар

Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар ривожида қадимги Рим ҳуқуқининг ҳам ўз ўрни бор. Рим ҳуқуқининг кўзга кўринган намояндаси, таниқли мутафаккир Марк Цицероннинг фикрича, табиий ҳуқуқ ҳар кимга берилиб, одамлар ўртасида тенглик сақлашни ифодалайди.

Ўрта асрларда эса, Шарқнинг улуғ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Шайх Саъдий ва Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ўзларининг ҳуқуқий қарашлари билан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлар.

Хусусан, Абу Носир Форобий инсон боласи бахтиёр ва осойишта ҳаёт кечириши учун қандай жамиятда яшаши лозим деган саволларга жавоб излаган. Унинг фикрича, билимдон ва ақлли ҳукмдор томонидан бошқариладиган мамлакат фуқаролари чинакамига бахтли-саодатли бўлишади. Чунки бундай мамлакатда муайян тартиб-қоидалар ўрнатилган бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояланган ҳамда уларнинг тинч ва фаровон яшашлари учун шароит яратилган бўлади.

Соҳибқирон бобомизнинг давлатни бошқариш қонун-қоидаларини ўзида мужассамлаган "Темур тузуклари"да инсонпарварлик, одиллик ғояларига, инсонни ҳимоя қилиш, унинг ҳаёти ва қадр-қимматини эъзозлаш, адолат устуворлигига эришиш ғояларига катта аҳамият берилган.

1789 йилда қабул қилинган фуқаро ва инсон ҳуқуқлари Француз Декларацияси шахс эркинлиги ҳамда ҳуқуқларини тан олиш ва ҳимоя қилишда инсоният тарихида муҳим босқич бўлиб қолди. Хусусан, мазкур Декларацияда илгари сурилган ҳуқуқлардан фойдаланиш таъминланмаган, ҳокимиятлар бўлиниши ташкил этилмаган жамият конституциявий ҳисобланмайди, деган демократик тезис эътиборга лойиқдир. Унда шахсий ҳаёт, хавфсизлик ҳуқуқи, ҳокимиятлар жавобгарлиги, сўз ҳамда фикрни эркин ифода этиш табиий, ажралмас ҳуқуқлар сирасига киритилган.

Маълумки, даставвал инсон ҳуқуқлари миллий хартиялар, декларациялар, конституциявий нормалар кўринишида мустаҳкамлаб қўйилди. XIX ва XX асрлардан шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқларини тан олишга қаратилган қонунлар Европа, Лотин Америкаси ва Осиёнинг бир қатор давлатлари томонидан қабул қилинган.

Кейинчалик халқаро воситалар ҳамда ўзаро ҳамкорлик йўли билан инсон ҳуқуқларини таъминлаш зарурлигига тобора эҳтиёж кучая борди.

Иккинчи жаҳон уруши даври инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотнинг ривожланишида ва бу соҳада давлатлар ҳамда халқларнинг ўзаро ҳамжиҳат алоқасини ўрнатишда бурилиш босқичи бўлди, десак муболаға эмас.

Тараққийпарвар инсоният кишиларнинг ўта муҳим умумий манфаатларини ҳимоя қилиш учун куч ва имкониятларини бирлаштириш зарурлигини англаб етди. Шу тариқа БМТ томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни расман тан олган ҳар бир давлат, жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТ билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя этишга кўмаклашиш мажбуриятини олган.

Бугунги кунда мустақил мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий, маънавий-мафкуравий ва халқаро ҳуқуқий асослари яратилган.

Инсон ҳуқуқлари тушунчаси мавжуд барча дин ва маданиятларга хос тинчлик ва тараққиёт асоси бўлган бағрикенглик ва ҳурфикрлилик анъанасини ўзида мужассамлаштиради. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳеч бир маданиятга бегона эмас ва унга барча халқлар бирдек амал қилади.

ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР ИФОДАСИ

БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро андазаларнинг негизи, халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, йил 10 декабрда Парижда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилиш юзасидан ўтказилган сессияда 48 давлат уни ёқлаб овоз берди, 8 давлат овоз беришда бетараф қолди.

Эътибор бериш керакки, ўша пайтда БМТга аъзо давлатлар турли сиёсий тизимлар, мафкуравий қарашлар, диний ва маданий қадриятлари билан фарқ қилар, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделлари ҳам турлича бўлса-да, бир мақсадда — тинчлик учун бирлашдилар. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бутун халқаро ҳамжамият мақсад ва умидларининг ўзига хос баёноти бўлди ва инсониятга дунё уларнинг умумий уйи эканлигини эслатиб қўйди.

Бугунги кунда мазкур Декларация жаҳоннинг 360 дан ортиқ тилларига, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Унда мустаҳкамлаб қўйилган тамойиллар жаҳоннинг 90 дан ортиқ давлатлари Конституцияларида ўз аксини топган. Бундан Декларация орқали дунёдаги барча инсонлар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши англанади.

Ушбу Декларация 60 йилдирки, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш тизимининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, Декларация қоидалари бизнинг Конституциямиз, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ҳам ўз ифодасини топган.

Истиқлол йилларида юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича миллий институтлар тизими яратилган. Адлия вазирлиги ҳам бу йўналишда ўзига хос ўринга эга. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш мақсадида вазирлик тизимида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилган.

Шуни айтиш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоат бирлашмалари, ОАВнинг фаол иштирок этиши муҳим вазифа этиб белгиланган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида 2008-2009 йилларга мўлжалланган "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги тадбирлар режаси тасдиқланди ва ушбу режа асосида жойлардаги адлия бошқармалари ҳамда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина Адлия вазирлиги тузилмаларига 2007 йил давомида 4000 дан ортиқ ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, тегишли идораларга аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан 723 та тақдимнома киритилди. 2008 йилнинг 6 ойи давомида эса адлия идоралари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан 449 та тақдимнома киритилиб, улардан 415 таси тўла қаноатлантирилган.

Бу йил халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асоси — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлайди. Президентимизнинг шу муносабат билан қабул қилинган **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони мамлакатимизда инсон манфаатлари, у ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган демократик, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Азизхон НОДИРОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди, дея таъкидлаган эди Юртбошимиз.

Дарҳақиқат, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ижтимоий ривожланиш ҳамда давлат қурилишининг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгиланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш ҳамда таъминлаш мақсадида республикамиздаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат функцияларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайтадан кўриб чиқилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"**ги Низомга асосан адлия идораларига инсоннинг Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Мазкур масъулиятли вазифаларни бажариш борасида Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Бошқармамизга жорий йилнинг биринчи ярмида инсон ҳуқуқларига оид масалалар юзасидан 71 та ёзма мурожаат тушган.

Навбаҳор тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокорининг мурожаатини улардан бири сифатида мисол келтириш мумкин. У З.Жўраев ўзига нисбатан ноқонуний равишда маъмурий жарима қўлланилганлигини, ушбу қарорнинг қонунийлигига баҳо бериб, ҳуқуқларини тиклашни сўраган. Ушбу мурожаатни ўрганиш давомида Навоий вилояти ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекциясининг 2008 йил 15 январдаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарган 14-сонли қарорига асосан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 229-моддаси қўлланиб, 74520 сўм маъмурий жарима жазосининг тайинланиши ноқонуний эканлиги аниқланди. Адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан, З.Жўраевга нисбатан маъмурий жарима жазоси қўллаш тўғрисидаги ушбу қарор бекор қилинди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги "Навоийсаноаттранс" шўъба корхонасининг бир гуруҳ ходимлари адлия бошқармасига мурожаат этишиб, 9 ойдан буён иш ҳақларини ололмаётганликлари, уни ундиришда амалий ёрдам беришни сўрашган. Шикоятни ўрганиш жараёнида 28 нафар ходимнинг манфаатини кўзлаб, жами 9.000.132 сўм моддий зарар ва 540.000 сўм маънавий зарарни ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги учун корхона раҳбари ва бош ҳисобчига нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўллаш тўғрисида тегишли идораларга таклифлар берилди ва Навоий шаҳар Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторининг қарорига асосан мазкур мансабдор шахсларга нисбатан МЖтКнинг 49-моддаси қўлланиб, ҳар бирига 37 260 сўмдан жарима жазоси белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари устунлиги ғоясини кенг тарғиб этиш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Сайёра ЖУМАНОВА,
Навоий вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида Декларациянинг беқиёс аҳамиятини таъкидлаш билан бирга бу ғоят муҳим халқаро ҳужжатнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан ҳам алоҳида вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси томонидан вилоят ҳудудидаги муассасалар, қишлоқ хўжалик ва йирик саноат корхонаси ва ташкилотлари, олий ўқув юртларида давра суҳбатлари, учрашувлар, семинарлар ташкил этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга катта аҳамият қаратилмоқда.

Жумладан, Декларация мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш юзасидан оммавий ахборот воситалари орқали 7 маротаба чиқиш қилинган бўлса, жойларда 34 маротаба оғзаки ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Норқувват ЯНГИБОЕВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи



ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Мазкур Декларация инсон ҳуқуқлари соҳасидаги биринчи халқаро ҳужжатдир.

Бинобарин, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинишига жаҳон миқёсида эҳтиёж бор эди. 1945 йил иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг БМТга аъзо бўлган давлатлар уруш талафотларини ва қирғинбаротларини такрорламаслик мақсадида ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамма жойда ва ҳамиша кафолатлайдиган халқаро ҳужжат яратишга келишиб олдилар.

1946 йилда ушбу ҳужжатнинг лойиҳаси БМТ Бош Ассамблеясининг 1-сессиясида кўриб чиқилди. Бош Ассамблея мазкур лойиҳа асосида "Ҳуқуқлар тўғрисида халқаро билль" лойиҳасини тайёрлаш учун Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияга мурожаат этди. Ушбу комиссия 1947 йилда ўтказилган 1-сессиясида "Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллнинг дастлабки лойиҳаси"ни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Комиссия таркибида 18 давлат вакили иштирок этиб, улар лойиҳанинг ҳар бир боби, ҳар бир жумласи устида қизғин тортишувлар билан ишлашди.

Якуний матнни тайёрлашда БМТга аъзо бўлган 50 та мамлакат вакиллари иштирок этишди. Ниҳоят, 1948



ЎЗАРО ТЕНГЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган барча кафолатлар Бош Қомусимизда ёрқин акс этган бўлиб, унда давлат манфаатларидан инсон манфаатлари устунлиги алоҳида қайд қилинган. Инсон ҳуқуқларини тўла таъминлаш, оила, шахс манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунга риоя этиш ҳамда уни ҳурмат қилишга ўргатиш демократик ва эркин фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим воситалари саналади.

Халқаро ҳужжат бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб берилган, инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қимматни, уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини тан олиш — эркинлик, адолат ва ялпи тинчлик негизи эканлиги таъкидланган. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бу — умумжаҳон миқёсидаги эзгу ишдир.

Конституциямизнинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" номли бўлимида ватанимизнинг барча фуқаролари тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги кўрсатилган. Бу борада миллий қонунчилигимизда акс этган меъёрлар халқаро ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлаштирилганлигини қайд этиш жоиз.

Бугунги кунда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари тўла шаклланган. Буни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази фаолиятларида ҳам кўришимиз мумкин.

Президентимизнинг 2008 йил 1 майда **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармони мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Бинобарин, юртимизда инсон ҳуқуқлари кеча ёки бугунгина кун тартибига қўйилган масала эмас, бунга мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб эътибор қаратилаётир. Мазкур Фармондан кўзланган мақсад инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаш, унинг ташкилий-ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Юртбошимизнинг ташаббуси билан ҳар бир йил бирор ижтимоий дастурни амалга оширишга бағишланиши ҳам инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда катта аҳамият касб этди. Декларациянинг 3-моддасида ҳам ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгалиги эътироф этилган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари нафақат қонунларга, балки халқнинг маънавий ва ахлоқий анъаналарига ҳам таянади. Дейлик, маҳаллалар тарихан шаклланган жамоавий механизм десак, янглишмаймиз. Маҳалла томонидан шу ҳудудда яшовчи аҳоли доим қўллаб-қувватланади, инсонларга моддий кўмак берилади, зарурат туғилганда маҳалла уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга ёрдамлашади. Бундай механизм инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институт мақомида фаолият юритади, дейиш мумкин.

Юртимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йилдан-йилга такомиллашиб бораяпти, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётга татбиқ этилиши халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Улуғбек УБАЙДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳар, Миробод тумани прокуратураси терговчиси

ДАСТУРГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси саъй-ҳаракати билан Ховос туманидаги Меҳнатобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида "Ёшлар йили" муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурини ўрганиш ва уни ҳаётга янада кенг татбиқ этишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят адлия бошқармаси, туман ҳокимлиги масъул ходимлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, қатор ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишда сўз олган мазкур билим даргоҳи раҳбари А.Шоназаров ушбу дастур ижроси бўйича коллежда амалга оширилган ишлар хусусида тўхталиб, Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ҳақида қатнашчиларга батафсил сўзлаб берди.

Маҳфират ПРИМҚУЛОВА,
Ховос туманидаги 2-сонли ФҲДЁ бўлими мудири

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТЛАРИ

Бухоро вилояти адлия бошқармасида ФҲДЁ органлари ҳамда Ички ишлар бошқармаси Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бўлими ходимлари иштирокида "Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари билан боғлиқ фуқаролик ҳолатларини қайд этишда қонун ҳужжатлари талаблари" мавзуида семинар-йиғилиш ўтказилди.

Унда чет эл фуқароларининг мамлакатимизда бўлиши ва рўйхатга қўйилиши, республикамиз фуқароларининг чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан боғлиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартиби, Ўзбекистонда бўлиш қоидаларини бузган шахсларнинг жавобгарлик доираси ҳақида маърузалар тингланди. Семинар давомида амалиётда учраётган муаммолар муҳокама қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ижроси бўйича адлия бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси муҳокама қилинди, одам савдосига қарши курашишда адлия бошқармаси ва ички ишлар идораларининг вазифалари белгилаб олинди.

Феруза БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Тизим тадбирлари

"LexUZ" СЕМИНАРИ

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги "Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотлар тарқатишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган режа жадвалига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси ("LexUZ" ҳуқуқий ахборот қидириш тизими)нинг тақдимот маросими ва ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тадбир Адлия вазирлиги ҳамда БМТ ривожланиш дастури ҳамкорлигидаги "Ўзбекистонда ислоҳот жараёнларига кўмаклашиш учун миллий қонунчилик базасини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида ўтказилди.

Семинарда "LexUZ" тизимида ишлаш асослари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, уларнинг рўйхатлари билан ишлаш тартиблари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг юридик таҳлил карточкаси ҳақида маълумот берилди.

Робия ТОШБОЕВА,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими

ҚОНУН ВА БОЛА ТАРБИЯСИ

Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан Боғот туманида "давра суҳбати" уюштирилди.

Анжуман иштирокчилари ёшларни истиқлол тамойиллари руҳида тарбиялаш, истиқболимизнинг муносиб ворислари сифатида намоён бўлишини таъминлаш, "Ёшлар йили" Давлат дастури ёшларга кенг имкониятлар яратишда дастуриламал бўлаётганини таъкидладилар. Мазкур ҳужжатнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, ўрни ва ролига муфассал тўхталдилар. Қонунчилигимиз, хусусан, **"Бола ҳуқуқлари тўғрисида"**ги Қонуннинг фарзандларимиз ҳақ-ҳуқуқлари ва уни кафолатлашга қаратилган жиҳатлари, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси юзасидан фикр алмашилди.

Ёш авлоднинг жамият ҳаётидаги ўрни оила, боғча ва мактаб муҳитидаги тарбия пайтидаёқ шакллантириш ва бунинг учун мамлакатимиз, шу жумладан, мазкур туманда ҳам барча шароитлар мавжуд, дейишди аксарият нотиқлар. Анжуманда ушбу ҳаётий эзгу ишлар, режа ва вазифалар, орзу-ниятларни рўёбга чиқариш йўл-йўриқлари белгиланди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

СОДДА ВА МАҚБУЛ МЕЪЁРЛАР

жорий этилганлиги тадбиркорлик ривожига омил бўлмоқда

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг меъёрий қоидалари такомиллаштирилиб, рўйхатдан ўтказишнинг энг қисқа ва соддалаштирилган тартиблари жорий этилди. Бу меъёрлар Президентимизнинг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги Қарори билан янада мустаҳкамланди.



Ушбу Қарордан кўзланган мақсад, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун барча сарф-харажатларни кескин камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда рўйхатдан ўказиш муддатларини қисқартириш, шунингдек, давлат рўйхатидан ўтишда янада қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Тадбиркорликни ривожлантиришни кўзлаб қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига кўра тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг фақат суд тартибида қўлланилиши белгиланди.

Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига мувофиқ эса хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги текширишлар сони сезиларли даражада қисқарди.

Кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2004 йилда 35,6 фоизни, 2005 йилда 39 фоизни, 2006 йилда 42,1 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич бугунги кунда 46 фоизга етди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилган бўлиб, улар фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар фақат суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланган. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилган.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ишончли ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қонун ҳужжатлари қабул қилиниши билан бирга, алоҳида давлат идораларига, янгидан ташкил этилган тузилмаларга ушбу қонун ҳужжатлари амалда тўғри ва тўлиқ ижро этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини бузган ва манфаатларига зиён етказган мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар қўлланилишини таъминлаш вазифаси юклатилган.

Адлия вазирлигида Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларида унинг бўлимлари ташкил этилди ва улар зиммасига катта масъулиятли вазифалар юкланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва шакллантирилган ҳуқуқий ҳимоя тизими мамлакатимизда тадбиркорлар ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишимизга тўлиқ имконият яратади. Шу билан бирга тадбиркор амалдаги қонунчиликни, ўз ҳуқуқларини етарли даражада билиши зарур.

Тадбиркор ҳуқуқи бузилганда ёки фаолиятига турли ноқонуний аралашувлар рўй берганда тегишли давлат органларига мурожаат этиши ушбу нохуш ҳолатларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Шу мақсадда Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармаларида Бош прокуратура ва жойлардаги прокуратура органларида жорий этилган ишонч телефонлари мунтазам равишда ишлаб турибди. Албатта, турли муаммога учраётган тадбиркорларнинг ҳам ҳуқуқлари бузилишининг олди олинмоқда.

Мурат СЕЙТМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

устувор вазифа

Республикамизда инсон манфаати, унинг қадр-қиммати олий қадрият сифатида эътироф қилинар экан, унинг мазмун-моҳияти олиб борилаётган ислоҳотларда намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган ижтимоий ислоҳотлар ҳам халқимизга муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган. Кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг вужудга келтирилиши аҳоли турмуш даражасининг барқарор ўсишига замин яратди. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий тамойили сифатида республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо янги ва ўзига хос тизими шакллантирилди. Шу билан бирга ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, хайрия ташкилотлари ҳамда жамғармалар маблағларини кенг жалб этиш ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтириш каби вазифалар амалга оширилди.

Мустақиллик йиллари давомида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий нормалар аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир белгиланган имтиёзлар ҳамда вазифаларни амалга ошириш тартиби ва механизмини белгилаб берди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чоралари кўрилган бўлса, мамлакатда иқтисодий-ижтимоий барқарорликка эришилгач, асосий эътибор ёш оилалар, аҳолининг кам таъминланган қисми ва болаларга қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2007 йил 19 мартдаги **"Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида катта аҳамиятга эга. Ижтимоий сиёсатнинг оилани моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги, айниқса, муҳимдир. Давлатимизнинг ижтимоий негизи ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлашда, жисмонан бакувват, маънавий етук авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги **"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони диққатга сазовордир.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоятимиз банклари томонидан шу кунга қадар 9 та оилага бир юз йигирма олти миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, вилоят ФҲДЁ органлари томонидан 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида 62 нафар кам таъминланган оиланинг никоҳ маросимлари ўтказиб берилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир тадбирларни ўтказишдан мақсад, халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга яқиндан ёрдам беришдан иборат.

Зеро, ҳукуматимиз инсонпарварлик сиёсатининг мазмун-моҳияти ҳам ана шунда.

Набижон БАДАЛОВ,
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ЭЗГУ МАҚСАД

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқ.

Юксак даражадаги ҳуқуқий маданият жамиятдаги турли хил ҳаётий жараёнларга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқароларнинг, барча ижтимоий гуруҳларнинг жипслашувига кўмаклашувчи, жамиятнинг яхлитлигини таъминловчи ва мустаҳкамловчи омилдир. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди. Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги **"Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"**ги Фармони, Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"**ги қарорида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш борасидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат қурилиши, қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ижтимоий адолат қарор топишини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий билими ва онгини юксалтириш, жамиятда сиёсий фаолликни оширишга олиб келиши муҳим жиҳатлардан саналади.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августдаги қарори билан тасдиқланган **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш миллий дастури"**га мувофиқ ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги, Конституция ва қонун устунлиги, демократияга асосланганлик, ижтимоий адолат, илмийлик, узлуксизлик, ҳуқуқий тарбиядаги ворислик ҳамда умумийлик, ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маорифнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув принципларига асосланади. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш йўли билан демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонун устуворлигининг аҳамиятини кенг ёритиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга эришиш учун, аввало, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастури ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги мақсадларимизни амалга оширишга хизмат қилади.

Умид СУВОНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

НИКОҲГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Барча ривожланган давлатларда бўлгани сингари, мамлакатимизда ҳам фақат бир никоҳлиликка амал қилинади. Никоҳ тузиш учун бир нечта шартлар талаб қилинади. Бу эса, Оила кодексининг 14-16-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида никоҳ ёши аёллар учун 17, эркаклар учун эса 18 ёш этиб белгиланган.

Қонунда истисно тариқасида узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, никоҳдан ўтишнинг минимал ёшида турмуш қуриш ажралишлар сонининг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Маълумки, Оила ҳуқуқи никоҳ тузаётган шахслардан бир-бирининг саломатлиги ҳолатлари билан танишишни талаб этади. Оила кодексининг 17-моддасида никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилган. Ҳозирги кунда никоҳни қайд қилишда турмуш қурувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш мажбурийдир. Руҳий носоғлом шахсларнинг никоҳ тузиши оила қонунчилигимизнинг асосий принципига зиддир ва бундай шахслар ўртасида никоҳ тузилиши ман этилади.

Оила кодексининг 13-моддасида никоҳ тузиш тартиби белгиланган. Унга кўра, никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий кучга эга эмас. Мазкур ҳолатда шахс мулкка нисбатан мерос, таъминот олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Бироқ қонуний никоҳдан ўтмасдан қурилган турмушдан туғилган фарзандлар ҳуқуқи қонуний никоҳ натижасида туғилган фарзандга тенглаштирилади.

Кўпинча ёшлар тезроқ турмуш қуришни ўйлайдилар. Лекин ўз муносабатларининг бир-бирига қанчалик тўғри келишини эътибордан четда қолдирадилар. Оқибатда баъзан эр ва хотин характерлари бир-бирига тўғри келмай қолади, яъни улар бир-бирини тушунишни истамай қоладилар.

Никоҳ бу — умр савдоси. Шу ўринда келажакда турмуш қуришни ният қилган йигит ва қизлар ўзларини турмушга, ота ёки она бўлишга тайёрлаб боришлари лозим. Бунинг учун, биринчи навбатда соғлиқлари, танлаган жуфтининг дунёқараши ўзига қай даражада мос келиши тўғрисида қайғуришлари керак. Зотан, қурилаётган янги оила фаровонлиги жамият, давлат фаровонлиги ва барқарорлиги негизи бўлиб хизмат қилади.

Динара КОЖИМОВА,
Зарафшан шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

АЁЛ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Албатта, бу гап бежиз айтилмаган. Аёлнинг оиладаги ва жамият тараққиётидаги ўрнини таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қўқон шаҳридаги "Қаймоқли гузар" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган "Аёлга ғамхўрлик - жамият равнақи гарови" ва "Оилавий муносабатларда аёл ҳуқуқи" мавзуларидаги давра суҳбати аёлларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини оширишга бағишланди.

Шаҳар ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Саломатлик маркази, маҳалла фаоллари ва фуқаролари иштирок этишди.

Худди шундай тадбир "Ғиштқўприк" ва "Бўстон" маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтди.

Муҳайё ОХУНЖОНОВА,
Қўқон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудири

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИДА

Фарғона шаҳридаги "Меҳрибонлик" ва "Ҳамроҳлик" маҳалла фуқаролар йиғинларида "Ёшлар йили" Давлат дастури ва "Ҳадя шартномаси"нинг мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳар иккала маҳалла фаоллари, уларда истиқомат қилаётган ёш оилалар ва фуқаролар иштирок этган ушбу тадбир Фарғона шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси ташаббуси билан ташкиллаштирилди.

Унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди. Айниқса, "Ҳадя шартномаси" қизғин баҳс-мунозаларга сабаб бўлди.

Убайдулло МИРЗАЛИЕВ,
Фарғона шаҳар 3-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси

Тизим тадбирлари

БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРМАРКАСИ

Самарқанд шаҳар марказида "Бўш иш ўринлари ва касаначилик ярмаркаси" бўлиб ўтди. Вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси, прокуратура, ички ишлар бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида жойларда бундай тадбирларнинг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги, айниқса, ёшларимизни зарур иш ўринлари билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур тадбирда 387 та корхона, ташкилот ва муассаса 7108 дан ортиқ бўш квота ва касаначилик иш ўринлари билан қатнашди.

Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бандлик ва меҳнат бозорини таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Бахтиёр Мамаражабовнинг таъкидлашича, ушбу ярмаркада 6072 нафар иш изловчининг 5161 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, 61 нафар ёшлар касб-ҳунар ўрганишга, 104 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 741 нафарига эса турли касблар бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Юнус МИРЗАЕВ,
"Инсон ва қонун"нинг жамоатчи мухбири

ТЎЙДАН ОЛДИН ТИББИЙ КЎРИК

Жондор тумани ҳокимлигида туман ФҲДЁ бўлими томонидан "Оилада тиббий ва ҳуқуқий маданият, тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг аҳамияти, никоҳдан ажралишлар ва диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ билан турмуш қуришнинг олдини олиш" мавзуида семинар ўтказилди.

Унда тиббий кўрикдан ўтишдан мақсад, соғлом онадан соғлом фарзандлар туғилиши, соғлом фарзандларни дунёга келтириш эса келажагимиз пойдевори эканлиги, оила бўсағасига қадам қўяётган ҳар бир ёш буларни унутмаслиги лозимлиги ҳақида фикр юритилди. Бундан ташқари, никоҳ ўз вақтида қайд қилинса оталикни белгилаш, ёлғиз она ҳолатларининг олдини олиш мумкинлиги хусусида ҳам таъкидланди.

Йиғилиш қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлиб, савол-жавоб тарзида ўтди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

● Таҳлил

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

Бош Қомусимизнинг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт"деб белгилаб қўйил-

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи таклиф, ариза ва шикоятларни белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқиш шартлиги ўрнатилганлиги билан кафолатланади. 1994 йил 6 майда қабул қилинган "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"-ги Қонунда таклиф, ариза ва шикоятнинг мақсади, кўриб чиқилиш тартиби, мурожаатларга эътиборсизлик учун жавобгарлик масалалари акс этган.

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланаётганда фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб камситиш тақиқланади. Унинг мурожаатини қабул қилиш ва кўриб чиқиш асоссиз равишда рад этилса юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят беришга ҳақлидир.

Вояга етмаганлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, таклиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин. Ариза, таклиф ва шикоятлар бериш учун муддат белгиланмайди. Давлат органига келиб тушган мурожаатлар ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади. Бу жараёнда қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, ваколатли шахс қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг таклифлари тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустаснодир. Ариза ва шикоятлар масалани моҳиятан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади.

Мурожаатни кўриб чиққан давлат органи муаллифга унинг натижалари тўғрисида ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишни асоссиз равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини сабабсиз чўзиш, қонунга зид қарор қабул қилиш, фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини ҳамда шикоят муносабати билан қабул қилинган қарор бажарилишини таъминламаганлик, фуқарога унинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини беришни асоссиз равишда рад этиш ёки фуқароларнинг шахсий ҳаётига доир маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, фуқарони мурожаат қилганлиги учун таъқиб қилиш, шунингдек, қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш жавобгарликка сабаб бўлади.



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида ва Жиноят кодексининг 144-моддасида бундай оқибатлар учун муайян чоралар белгилаб қўйилган.

Мурожаатлар доимий равишда давлат органлари томонидан назоратга олиниб борилади ва уларни асоссиз равишда кўриб чиқилмаслигига йўл қўйилмайди.

Исмоил ХОЛИҚОВ,
Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси инспектори

● Мулоҳаза

ТАДБИРКОРЛИК

ва уни ҳимоя қилиш асослари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз "Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" деб номланган маърузасида шундай таъкидлаган эди: "Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар".

Дарҳақиқат, тадбиркорларга давлатимиз томонидан кенг йўл очилди.

Жумладан, амалдаги **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонунга асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларига бир қанча ҳуқуқлар берилган. Ушбу қонунга кўра, тадбиркорлик эркинлиги, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотнинг (бажарган ишлар, кўрсатилган хизматларнинг) ҳамда уларни реализация қилишдан олган даромадларининг (фойданинг) мулкдори бўлиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромади (фойдаси) улар томонидан ихтиёрий равишда ишлатилиши, ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни мустақил тарзда амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланган.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини олиб боришга тўсқинлик қилган шахсларга нисбатан жавобгарлик масаласи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241[1]-моддасида белгиланган. Мансабдор шахснинг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиши деганда, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, худди шунингдек, унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарздаги ғайриқонуний аралашиши тушунилади. Бу ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилади. Шундай бўлса-да, айрим мансабдор шахслар тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Бу эса амалдаги қонунчилик ҳужжатларини янада мукаммаллаштиришни давр тақозо этаётганидан далолат. Шунинг учун бу борада кичик бир таклифни ўртага ташламоқчимиз.

Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу бўйича мансабдор шахсларнинг маъсулиятини ошириш мақсадида ривожланаётган давлатлар сингари амалдаги Жиноят кодексига қонуний тадбиркорлик фаолияти олиб боришга тўсқинлик қилиш деб номланган янги моддани киритиш, бизнингча, мақсадга мувофиқдир.

Ёқубжон АБДИҚОДИРОВ,
Оққўрғон тумани ДСИ инспектори

● Сўраган эдингиз

ВАҚТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ

у қай тартибда тўланади?

Ходим бетоблиги сабабли касаллик варақаси очилганда унга иш жойидан иш ҳақининг 60 фоизидан кўпроқ миқдори қандай ҳолатларда берилиши мумкин? Баъзан ҳомиладорлик таътилидан бошқа ҳар қандай ҳолатда 60 фоиздан кўп белгилаш мумкин эмас, дейишганини эшитамиз, бу тўғрими?

Гулмира ФАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳри

— Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2002 йил 21 апрелдаги буйруғи билан тасдиқланиб, 2002 йил 14 майда 1136-сон билан давлат рўйхатига олинган "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 26-бандига мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан қатъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуйидагиларга тўланади:

ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга; қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга; Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 27-бандига мувофиқ, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, ОИТС, мохов касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоий суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга — иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Ушбу Низомнинг 28-бандига асосан Низомнинг 26 ва 27-бандларида назарда тутилган ходимлардан ташқари қолган ходимларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин етимларга — иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Мазкур Низомнинг 4-бандига биноан тайинланган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа қуйидаги миқдорларда тўланади:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги муддатли хизматдан бўшатилгандан сўнг бир ой ичида касал бўлиб қолган собиқ ҳарбий хизматчиларга — республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида;

бошқа ҳолларда — иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ҳомиладорлик таътилидан бошқа ҳар қандай ҳолатда вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақининг 60 фоизидан кўп белгилаш мумкин эмас, деган фикр нотўғри.

Саволга Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг юридик бўлими бош мутахассиси Жамол ХОЛИҚОВ жавоб берди.

● Мушоҳада

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим воситадир

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий талабларидан бири — айбсизлик презумпциясидир. Айбсизлик презумпциясини таъминлаш шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбуриятининг устуворлиги билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади" деб белгилаб қўйилган.

Демак, ҳар бир шахснинг айби тўлиқ асосланган далиллар асосида, суд томонидан қонуний тартибда ҳукм қилиниб, ҳукм кучга киргач, у айбдор деб тан олинади. Одил судловнинг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини одил судлов йўли билан ҳимоя қилишга, бу борада ошкораликни, қонун устуворлигини таъминлашга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга йўналтирилган.

Суднинг қонуний ҳукми кучга киргунча ҳеч ким жиноят содир этишда айбдор деб топилиши ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, яъни жиноят қанчалик оғир ҳисобланмасин ёки далиллар қанчалик ишончли кўринмасин, бундан қатъи назар ушбу қоида амал қилади.

Айбсизлик презумпцияси тамойили билан бир қаторда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши тамойили ҳам диққатга сазовордир. Жиноят ишларининг ошкора кўрилишидан мақсад нафақат кўрилаётган ишга аҳолининг эътиборини жалб этиш, балки фуқароларга тарбиявий таъсир этиш, ҳуқуқий маърифатни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий маданиятни кўтаришга хизмат қилади.

Айбсизлик презумпцияси муҳим тушунча бўлиб, жиноят судлов ишларини юргизишнинг бошланғич асосини ташкил этади, айнан шу принцип орқали жиноятни очиш, айбдорни қидириш ва фош қилиш, уни белгиланган жазога тортиш ваколати юклатилган давлат органлари фаолиятида аниқликка эришилади.

Агар қонунни ҳимояловчи органлар айблов учун етарли далилларни тўплай олмасалар, у ҳолда шахс айбсиз деб топилиши керак. Исботланмаган айбдорлик шахснинг айбсизлигидир. Яна шуни айтиш керакки, айбсизлик презумпцияси Жиноят-процессуал кодексида мустаҳкамланган ҳолатлар аҳамиятга моликдир, яъни айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим.

Айбсизлик презумпцияси инсонни нафақат асоссиз айблашдан, балки асоссиз ҳукм қилинишдан ҳимояловчи умуминсоний кафолатдир.

Хайрулла ҚЎЧҚОРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

● Таассуф

ТЎРТ МАРТА ИШДАН БЎШАТИЛДИ

ёхуд Хоразм вилояти Халқ таълими бошқармасида чиқарилган "антиқа" буйруқлар хусусида...

Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари Онабиби Худойберганова сутдан оғзи куйганлардан. Шу боис ҳар бир хатти-ҳаракати бўйича соҳа раҳбарларига маълумот беришга кўникган. Чунки, ўтган бир йил ичида неча бор ишдан бўшатилмади, ахир.

Ушбу буйруқларни келтирсак, беихтиёр ҳайратимиз ошади. Мана, улар: "...Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси, 2-қисми, 4-бандига асосан (ўз меҳнат мажбуриятини бир марта қўпол равишда бузганлиги учун) 2007 йил 18 апрелдан бошлаб тўхтатилсин...".

"... Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси... 2007 йил 16 октябрдан бошлаб тўхтатилсин..."

"... Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида 2007 йил 16 октябрда чиқарилган буйруқ ижроси 2007 йил 17 октябрдан вақтинча тўхтатилсин..."

"... Урганч шаҳар халқ таълими бўлими ташхис маркази раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси 2008 йил 7 январдан бошлаб тўхтатилсин..."

Ушбу бир-бирига эгизакдек ўхшаш буйруқларга вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи (ҳозирда собиқ) А.Мадраҳимов имзо чеккан. Фақат улардаги саналар ва буйруқ рақамлари бошқа, холос.

Сўнгги учинчи буйруқ учун асос — Урганч шаҳар прокуратурасининг 2007 йил 4 октябрдаги тақдимномаси. Бу тақдимномада мазкур марказ раҳбари томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар ҳақида гап боради ва унга интизомий чора қўллаш уқдирилади.

Тўғри, қонун ҳамма учун баробар. Аммо, касаллик бюллетенидаги ходимни вазифасидан озод қилиш?.. Бу қонунга зид эмасми?

О.Худойберганова билдирги ёзиб рахбариятни огоҳ этгач, шифохонада даволанди. Аммо, айнан касаллик пайти ишдан бўшатилганини билгач, у адолат излади.

Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди О.Худойберганованинг шу борадаги даъво аризасини 2008 йил 26 февралда очиқ суд мажлисида кўриб чиқди ва рад этди. Яъни, вилоят Халқ таълими бошқармаси буйруқни қонуний чиқарган, деган хулосага келди.

Суд мажлисида прокуратура томонидан берилган тақдимнома бўйича бир ой ичида чора-тадбир қўлланиши қонунда белгилаб қўйилгани, аммо у нега уч ой кейин ижро қилингани деярли қизиқиш уйғотмади. Касаллик варақаси 2008 йил 5 январдан очилгани ҳолда даъвогар нега 7 январдан ишдан бўшатилганига ҳам эътибор қаратилмади. Суд мажлислари чоғи жавобгар томон, яъни Халқ таълими бошқармаси касаллик варақасининг қачон очилганига — муддатига эътироз билдирмагани чиндан ҳам ажабланарли ҳол. Дарвоқе, "ёшулли"лар унга эътироз билдира олишмасди. Негаки, халқ таълими бошқармасида О.Худойберганова томонидан 5 январь куни ёзилган "Билдирги" мавжуд.

Яна қизиғи, О.Худойберганова бетоблиги боис Урганч шаҳар 3-сон катталар поликлиникаси томонидан "Касалхонадаги беморнинг тиббий баёни"га оид очилган 4-сон касаллик варақасига нисбатан ишончсизлик муҳити юзага келганди. Суд қарорини ўқиймиз: "...Шунингдек, Урганч шаҳар 3-сон катталар поликлиникаси врачи Совутова Умиданинг гувоҳлик беришича, О.Худойберганова 2008 йил 7 январь куни тушликка яқин поликлиникага келиб, унга мурожаат қилганлигини, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси эса О.Худойберганованинг илтимосига кўра, аввалги кунлардан, яъни 5 январдан очилган..."



Энди врач У.Совутованинг фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси Йўлдошева номига ёзган тушунтиришига эътибор беринг. "...Мен Худойберганова Онабибини биринчи марта 2008 йил 5 январь куни соат 11-12 лар атрофида кўрдим. Бемор келган пайтда бош айланиши, умумий дармонсизликдан шикоят қилди. Анализлардан беморда икки ой давомида бачадондан дисфункционал қон кетганлиги аниқланди. Шунинг учун беморга бош врач рухсати билан 5 январдан касаллик варақаси очилиб, даволаниш учун дори-дармонлар ёзиб берилди. Мен 26 февралдаги суд мажлисида шу гапларни суд залида айтдим ва менга чиқиб кетишга рухсат беришди... ...судда биринчи марта берган гувоҳлигим ҳақиқат..."

Уқдирилганидек, О.Худойберганови 2007 йил 18 апрелда илк бора ишдан бўшатишди. Шу буйруқдан кейин ҳам у иш фаолиятини давом эттираверган. Уни қайта ишга тиклаш ҳақидаги буйруқ эса суд мажлисида аниқланишича: "...2007 йил 27 июнь куни кечқурун О.Худойберганова ҳуқуқ-тартибот идораларидан бирига бориб, агарда ишга тиклашмаса ўзини ёқиб юборишини айтиб, жанжал кўтарганидан кейин чиқарилган. Вилоят ХТБ собиқ бошлиғи А.Мадраҳимов Урганч шаҳар ХТБ мудири Н.Ҳасанов билан бирга у ерга бориб, нохуш воқеа содир бўлишининг олдини олиш ва вазиятни юмшатиш мақсадида О.Худойберганованинг қўлига ишга тикландинг, дея буйруқ ёзиб беришган". Буйруқ тахминий 82-сон рақами билан расмийлаштирилган, имзо ва муҳр ҳам қўйилган. Урганч шаҳар ХТБда бу буйруқ 2007 йил 28 июнда 128/1-сон билан расмийлаштирилиб, шу буйруққа кўра, унга 2007 йил 24 июндан 2008 йил 7 январгача ойлик маош тўлаб келинган. Вилоят ХТБ кадрлар бўлими бошлиғи Ю.Собиров бошқарма бошлиғининг 82-сонли буйруғини тахминий ва имловий хатолардан иборат (ажабо!!) бўлгани боис уни бошқарманинг буйруқлар китобига расмийлаштиришга шошилмаган. Бошлиқ эса бу вақтинчалик буйруқ эди, тезда бекор қиламиз, расмийлаштириш шарт эмас, қабилида кўрсатма берган. Шунга асосан, вилоят ХТБда О.Худойберганованинг ишга тикланганлиги ҳақидаги буйруқ қонуний расмийлаштирилмаган.

Суд қароридан парча: "Суд мажлисида жавобгар тараф бўлиб иштирок этган вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи К.Тожиев яқинда шу вазифага ишга тайинланганлигини, О.Худойберганованинг ишдан бўшатилиши тафсилотларидан хабардор эмаслигини баён қилди..." Бу қизиқ ҳолат. Бир ходим вазифасидан бир неча бор озод этилса, унинг устидан юборилган тақдимномалар муҳокама қилинса, ўзини ёқиб юборишга ахд қилса, раҳбарлар оёғи типирчилаб шу ерга югуриб боришса-ю, буни ХТБдагилар билишмаса, эшитмаган бўлса!?

Бу ҳолнинг ўзиёқ фикримизни тасдиқласа, яна бир томондан вилоят ХТБда бош-бошдоқлик юзага келганлигини кўрсатади. Буни мазкур бошқарманинг собиқ раҳбарлари жиноий жавобгарликка ва жазога тортилгани ҳам яққол тасдиқлайди.

... Биринчи босқич суди қароридан норози бўлган О.Худойберганова апелляция инстанциясига даъво аризаси билан мурожаат қилди. Барча ишончли ҳужжатларни тақдим қилди ва адолат кутди. Муштипар аёлнинг далил-ҳужжатлари эса ҳеч кимни ташвишга солмади. Судда даъвогарни ишдан бўшатишга бағишланган касаба уюшмаси йиғилиши ўтказилганига гумон уйғониши, қораланган пойинтар-сойинтар қоғозлар ҳам кўнгилда шубҳа туғдириши ва мазкур йиғилишга "қаҳрамонимиз" О.Худойберганова таклиф қилинмагани, чиқарилган буйруқларнинг ҳеч бирига бошқарма ҳуқуқшуноси хулоса бермагани ва уни имзоламагани сингари далиллар ҳам айрим мутасаддиларни "эритолмади".

Юртбошимиз кўп бора таъкидлаганларидек, **"Биз ҳуқуқий демократик давлат қураяпмиз!"**. Аммо жойларда юқоридаги сингари ҳолатлар юз бераётгани бор гап. Бунга мазкур ҳолат бир мисол, аччиқ мисол.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири
Рўзимбой ҲАСАН,
журналист

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ УЧУН

Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида одам савдосига қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун ҳамда Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида"**ги Қарорининг мазмун-моҳияти ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан маърузалар тингланди.

Шунингдек, одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш, одам савдосининг жабрланувчиси бўлиб қолишнинг олдини олиш, жабрланганларга юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб ёрдам кўрсатишда вилоятдаги ўзини-ўзи бошқариш ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларни жалб қилиш ва улар билан ҳамкорлини кучайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шуҳрат НАЗАРОВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси ходими

● Ҳамкорлик

ЮРИДИК КЛИНИКА

малакали хизмат кўрсатмоқда

Бепул ҳуқуқий ёрдамнинг аҳамияти

"Нафақахўр сифатида менга кўрсатган малакали ҳуқуқий ёрдамингиз учун сизга самимий миннатдочилигимни билдираман. Мен сизларга туман фуқаролик судида даъво талабларим қондирилмаганидан сўнг мурожаат қилгандим. Сиз томонингиздан тайёрланган апелляция шикояти шаҳар судида ишни ютиб чиқишимда жуда кўл келди. Суд менинг даъво талабларимни қондирди..."

Бу каби ташаккурномаларни Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) қошидаги Юридик клиниканинг "Таклиф ва шикоятлар" дафтарида кўплаб учратиш мумкин. Мазкур клиника 2000 йилда ташкил этилган. 2006 йилдан буён Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ривожланиш дастури (БМТРД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бу юридик клиникани "Одил судловга имкон яратиш учун ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий саводхонлик" лойиҳаси доирасида қўллаб-қувватлаб келмоқда. Чунки аҳолининг ижтимоий кам таъминланган қатлами учун адолатли судловни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш мазкур халқаро ташкилотнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.



БМТРДнинг ҳиссаси

Юридик клиника мутасаддилари берган маълумотларга кўра, бепул ва сифатли ёрдам сўраб мурожаат қилаётган мижозлар сони аввалги йилларга қараганда анча ошган. Клиника фаолиятининг дастлабки беш йили давомида 1000 нафарга яқин мижозга беғараз хизмат кўрсатилган бўлса, кейинги уч йилда бу ҳисоб 2000 мингдан ортди. Шунингдек, амалга оширилаётган таълимнинг сифати ва самарадорлиги, кўрсатилаётган хизматларнинг профессионаллик даражаси бир мунча ўсди. Муқаддам клиника фаолиятида 30-40 нафар талаба иштирок этган бўлса, БМТРДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси қўллаб-қувватловидан кейин аъзолар сони юздан ошди.

Клиника фаолияти "Одил судловга имкон яратиш учун ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий саводхонлик" лойиҳаси орқали амалга оширилаётгандан буён унинг йўналишлари ҳам такомиллашди, имконият кўлами янада кенгайди. Буни клиника мураббийси Галина Майорова қуйидагича изоҳлади: "Ушбу лойиҳа доирасидаги асосий йўналишларимиздан яна бири талабаларимиз томонидан маҳаллаларда, болалар уйлари, мактаблар ва поликлиникаларда керакли ҳуқуқий билимларни етказишга қаратилган махсус тренинглар ташкил этишдан иборат. Шу пайтгача "Мерос ҳуқуқи", "Маънавий зарар ва уни қоплаш", "Фарзандликка олиш", "Оилада гендер тенглиги ва уй-жой ҳуқуқи", "Таълим олиш ҳуқуқи ва вояга етмаганларни иш билан таъминлаш" каби мавзуларда 20га яқин тренинглар ўтказилди. Шунингдек, БМТРД молиявий кўмаги туфайли ривожланган давлатларда фаолият кўрсатаётган юридик клиникалар билан тажриба алмашиш мақсадида Польша ва Жанубий Африка Республикасида фаол талабаларимиз билан сафарда бўлдик. 2008 йилда ҳам Хитойдаги юридик клиникалар билан яқиндан танишиш учун сафарга чиқишни режалаштирганмиз. Шуни таъкидлаш керакки, БМТРДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мамлакатимизда малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда ҳам ҳисса қўшмоқда".

Ўз адвокатурамни очмоқчиман?

Юридик клиникага ташриф буюрганимизда ёзги таътил бўлишига қарамасдан, навбатчи-талабалар мижозларга хизмат кўрсатаётган экан.

Тамилла Тагиева: "Мен юридик клиниканинг битирувчисиман, шунингдек бу йил университетни ҳам аъло баҳолар билан тугалладим. Лекин ўқишни битирган бўлсам-да, ҳалигача клиника ишларида қатнашаяпман. Клиникада ишлаш менга кўп нарса берди. Қонунчилик ҳужжатлари билан қандай ишлашни, уларни амалиётда қўллашни, даъво аризаси, шикоят, мурожаатнома, эътироз, юридик хулоса каби зарурий ҳужжатларни талаб даражасида ёзишни ўргандим. Шунинг учун ҳозирда адвокатура соҳасида ишлашни режалаштираяпман. Келажакда профессионал адвокат бўлишимга ишонаман".

Сардор Жумашов: "Клиникага қабул қилинганимга ҳали бир йил бўлгани йўқ. Дастлабки бир неча ой давомида устозларимдан асосан назарий ва амалий билимларни ўргандим. Шундан кейин билвосита мижозлар билан ишлай бошладим. Ҳозиргача жами 5 нафар мижознинг ишини ўрганиб, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатдим. Клиникада иштирок этганимдан буён ўзимда ижобий ўзгаришлар сезаяпман, яъни дўстлар ва оила даврасида ёки турли вазиятларда ҳуқуқий саволлар, муаммолар чиқиб қолса, "биринчи ёрдам"ни кўрсата оламан. Ўқишни битириб, келажакда хўжалик ҳуқуқи бўйича ўз адвокатурамни очиш ниятидаман".

Бинафша ҚАЛАНДАРОВА

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ

Урганчда ўтказилган илмий-амалий анжуманда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни амалда қўллаш йўл-йўриқлари ва унинг назарий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фуқаролар мурожаатлари давлатимиз ва ҳукуматимизнинг доимий диққат-назарида бўлиб келаётганлиги ва бу эътибор эндиликда инсонпарварлик, халқпарварлик натижаси ва кафолати сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилаётганлиги қониқиш билан таъкидланди.

Анжуман вилоят адлия бошқармаси томонидан уюштирилди. Сўзга чиққанлар мазкур қонун талаблари, уни амалда қўллаш билан боғлиқ тартиб-қоидалар, тўпланаётган ибратли тажрибалар, ёндошувлар, янгича усул ва услублар ҳақида атрофлича тўхталиб, бу борадаги ишларни янада яхшилаш ҳамда юқори босқичга кўтариш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Илҳом ТЎРАЕВ,
Хоразм вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

● 2008 йил — "Ёшлар йили"

КАМОЛОТ ЙЎЛИ

Бугун мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар ялпи аҳолининг 64 фоизини ташкил этади. Навқирон авлодга нисбатан оталарча ғамхўрлик ва эътибор давлатимиз раҳбарининг мамлакат истиқболи ва равнақини кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатида чиндан ҳам катта ўрин тутади. Демак, Юртбошимизнинг ёш авлод камоли йўлидаги ғамхўрлигини мамлакат ва жамият тараққиёти, истиқболига бўлган улкан эътибор, деб қараш лозим.

"Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2007 йил май ойида қабул қилинган Президент Фармони, 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб номланиши ана шу фикримизнинг ёрқин исботидир. Юртбошимизнинг мазкур ҳуқуқий ва директив ҳужжатларда ўз ифодасини топган ташаббус ва саъй-ҳаракатлари жойларда изчил давом эттирилмоқда.

Бундан ташқари, ёшларга ғамхўрлик руҳи билан суғорилган қонун ҳужжатлари ҳам анчагина. Агарда, мазмун-моҳиятига разм солинса, мамлакатимиз Оила кодексининг асосини ёшларнинг оилавий турмушини ҳуқуқий жиҳатдан меъёрлаш ва муҳофаза қилишга дахлдор долзарб масалалар ташкил этганлиги намоён бўлади. Қонун бизнинг зиммамизга никоҳни қайд ёки бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш вазифасини юклаган. Бироқ, бу билан чегараланишнинг ўзи кифоя эмас. Никоҳни расмийлаштириш билан бир қаторда Давлатимиз раҳбарининг оқилона йўл-йўриқлари асосида жамиятда мустаҳкам ва истиқболли оилалар сонини муттасил қўллаб-қувватлаш, ёшларни мустақил турмушга тайёрлаш, катта ҳаёт йўлига чиққан йигит-қизлар ва уларнинг яқинлари орасидаги баҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, оилавий можароларнинг олдини олиш, уни барҳам топтириш сингари ташкилотчилик тадбирларини ҳам эзгу бурч, вазифа сифатида қабул қилмоғимиз керак.

Жорий йил бошида ёшлар орасидаги маънавий-ахлоқий тарбия, тарғибот-ташвиқотга дахлдор фаолиятимизни яна бир бора таҳлил этиб, иш услуби, тартиби, дастур ва режаларимизга жиддий ўзгартишлар киритдик. Энг катта ўзгариш туман ФҲДЁ бўлими қошидаги "Ёш оила" мактаби ишида рўй берди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мактаб тингловчилари сафи сийраклиги боис, қатор йиллардан буён туман марказида фоалият кўрсатарди. Юртбошимизнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга доир Фармони ва "Ёшлар йили" муносабати билан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, таълим-тарбия ва касб-ҳунар масканлари раҳбарлари ва келин-куёвлар ҳамда бу муқаддас ва мўътабар даргоҳга қадам қўйишга ҳозирланаётган ёшларни ҳам мактаб машғулотларига жалб этдик. Саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ, мактаблар ва касб-ҳунар муассасаларининг деярли барча битирувчилари дорилфунунимиз тингловчилари бўлишди.

Машғулотлардан олинган сабоқ ёхуд яккама-якка ўтказилаётган мулоқотлар яхшигина самара ҳам бераяпти. Муқаддам ажралиш учун ариза берган 3 нафар оилавий жуфтлик яқинда ўз талабларини оқибатсиз қолдиришимизни илтимос қилишди. Бу каби ижобий ҳолатлар анчагина. Шунингдек, жисмоний бардамлик - маънавий баркамол оила яралишининг гарови эканлигини тингловчилар қалбдан англашди. Бунинг натижаси шу бўлдики, ўтган йил охирига келиб, оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи туманимизда 100 фоиз ҳал қилинди. Ёшлар бахти, иқболи ва камолини кўзловчи яна бир омилни никоҳ шартномаси тимсолида кўрдик. Машғулотлар асосида тингловчилар мазкур ҳуқуқий битимнинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етишаяпти. Шунингдек, 2007 йили туман ҳокимлиги кўмаги билан янги қулай бинога кўчиб ўтдик. Адлия бошқармаси эса уни мукаммал таъмирлаб берди. Бу каби ғамхўрликлар ишда самара бериши шубҳасиз. Ушбу қулайлик туфайли янги кошонада турли тантаналар ва машғулотларни мунтазам ўтказиш имкони туғилди. Саъй-ҳаракатлар қанчалик кўп ва қатъиятли бўлса, муаммоли масалалар ва масалалар ечими ҳам шунча тез ва жўн кечади.

Зеро, жамиятимизда юзага келган ялпи баҳамжиҳатлик, тинч-тотувлик, ҳамкорлик, бир-бировга мадад ва кўмак муҳити айрим оилавий нотўкисликларни бартараф этиш омили бўлмоғи лозим. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, замонавий ва анъанавий урфларимиз, турмуш тарзимиз истиқболимиз эгалари - ёшларнинг оилавий турмушида ўзининг муносиб ифодасини топади.

Дармонжон ЗАРИПОВА,
Хонқа тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

ҲОКИМЛИКДА СЕМИНАР

Бухоро тумани ҳокимлигида вилоят адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги "Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳамияти мавзуида семинар-йиғилиш ўтказилди.

Сўзга чиққанлар автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш (олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя) ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартибининг белгиланиши, юридик шахслар томонидан ходимларга автотранспорт воситаларидан фойдаланишга ишончномалар берилиши ҳоллари тўғрисида гапирдилар.

Шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида"**ги Қарори юзасидан тушунтириш берилди.

Семинар-йиғилишда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди ҳамда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

● Буни унутманг

УЙ-ЖОЙГА ЭГАЛИК

қай тартибда белгиланади?

Уй-жой кодексининг 22-моддасига биноан якка тартибда уй-жой қуриш - фуқаролар ва юридик шахсларнинг турар-жойни хусусий мулк қилиб олиш асосларидан бири сифатида назарда тутилади. Табиийки, якка тартибда уй қуриш, уй-жойга мулк ҳуқуқи вужудга келиши учун бир қатор қонун-қоидаларга риоя этилган бўлиши шарт.

Фуқаролик кодексининг 212-моддасига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади. Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга — сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга, иморатга доир бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Якка тартибда қурилган уй-жойларга эгалик ҳуқуқини белгилаш тартиби икки хил усулда амалга оширилиши мумкин: низо бўлмаган ва низоли.

Якка тартибда қурилган уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш тартибининг низо бўлмаган усули бир неча босқичда амалга оширилади.

Баъзан якка тартибда ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойларда мулк ҳуқуқининг айни кимга тегишли эканлиги тўғрисида низолар келиб чиқади ва шундай ҳолларда туман (шаҳар) ҳокимликлари уй-жойга бўлган эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан бош тортади ёки манфаатдор томонлар бу низонинг суд орқали ҳал этилишини талаб қилиб, судларга мурожаат этади.

Якка тартибда қурилган уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда Олий суд Пленумининг 2004 йили 24 сентябрдаги 14-сонли қарорида кўрсатиб ўтилган тушунтиришлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қарорнинг 2-бандига биноан, қуйидаги мазмундаги уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар судларга тааллуқлидир:

уйга ёки унинг бир қисмига (улушга) бўлган мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги;

умумий улушли мулк ҳуқуқи асосида бир неча шахсга ёки умумий бирграликдаги мулк ҳуқуқи асосида эр-хотинга тегишли уйдан улушини ажратиб бериш (уйни бўлиш) ҳақидаги;

тегишли ҳокимиятдан рухсат олинган ҳолда уйнинг ва ёрдамчи иморатларнинг устига, ёнига қўшимча иморатлар қуриш ёки уларни қайта қуришларга нисбатан умумий улушли мулкнинг бошқа иштирокчилари томонидан эътирозлар бўлганлиги ҳақидаги;

уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги;

иштирокчиларнинг умумий улушли мулк бўлган уйдаги улушлари миқдорини ўзгартириш ҳақидаги;

иштирокчининг умумий улушли мулк бўлган уйдаги улушини имтиёзли асосда сотиб олиш ҳуқуқи ҳақидаги;

уйнинг олди-сотди, айирбошлаш, ҳадя ва бошқа шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;

ўзбошимчалик билан қурилган уйга нисбатан қонунда назарда тутилган ҳолларда мулк ҳуқуқини эътироф этиш ҳақидаги.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида ўзбошимчалик билан қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш тўғрисидаги, шу жумладан, бундай уйга нисбатан олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос олиш билан, шунингдек, уйни бўлиш билан боғлиқ даъволар, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс ёки бошқа манфаатдор шахс томонидан тақдим қилинганидан қатъи назар, судларга тааллуқли эмас. Яна шуни айтиш жоизки, ўзбошимчалик билан иморатлар қурилган ҳолларда ҳам уй-жойга эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низо бўлмаса, уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мурожаат қилиш орқали ҳал этилади.

Камол ТАРИХОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Чимбой туманлараро суди раиси

● Бир шикоят шарҳи

РАҲБАРНИНГ КЎНГИЛ ИСТАГИ

билан ходим ишдан бўшатилади...ми?

Маълумки, мамлакатимизда ҳар бир фуқаро эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга. Бу қоида Конституциямиз, Меҳнат кодекси ва бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бироқ ушбу конституциявий меъёр айрим мансабдор шахслар томонидан қўпол равишда бузилаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Келинг, фикримизни ҳаётий бир мисол билан давом эттирайлик.

Абдуназар Хаитов 1982 йилдан буён Зармитан Геология қидирув экспедицияси корхонасининг автотранспорт бўлимида турли лавозимларда ишлаб келаётганди. 2007 йил апрель ойида бир йиллик меҳнат таътили сўраб, корхона директорига ариза беради. Корхона директорининг 1062-сонли буйруғига асосан А.Хаитовга 48 кунлик меҳнат таътили берилади. Меҳнат таътили тугаганидан сўнг А.Хаитов ишга қайтади ва бу ҳақда корхона директорига ёзма билдирги билан мурожаат қилади. Директор ушбу билдиргига "Инженер-механик вазифасига ишга чиқишга рухсат бераман", деган ёзувни қайд этади. Албатта, Абдуназар ака ҳе йўқ, бе йўқ автокорхона бошлиғи лавозимидан инженер-механик вазифасига ўтказиб юборишларидан таажжубга тушади. У корхона раҳбарига конституциявий меҳнат ҳуқуқи бузилаётгани тўғрисида бир неча бор эслатса-да, ҳеч қандай наф бермайди. Охир-оқибат А.Хаитов корхона раҳбари С.Жумаевга нисбатан ўз иш ўрнига қайтиши тўғрисидаги даъво аризаси билан фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига мурожаат қилади. Мазкур суд 2007 йил 17 августда А.Хаитовни автокорхона бошлиғи лавозимига тиклаш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаради. 2007 йил 1 сентябрда А.Хаитов автокорхона бошлиғи лавозимига ишга тикланади. Бироқ корхона директори



"Меҳнат таътилидан кейинги 21 июлдан 31 августгача сабабсиз ишга чиқмаган кунлари прогул деб ҳисоблансин ва меҳнат ҳақи тўланмасин", деган ғайриқонуний буйруқ чиқаради. Ваҳоланки, иш берувчи А.Хаитовни (меҳнат таътилидан сўнг) ўз лавозимида ишлаш имкониятидан маҳрум қилганлиги кундай равшан эди-ку... Шу тариқа А.Хаитов фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судига такроран даъво аризаси билан мурожаат қилиб, корхона директорининг ғайриқонуний буйруғини бекор қилиш, моддий ва маънавий зарарни ундириб беришларини сўрайди. Суд даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантириб, мажбурий бекор юрган кунлари ва адвокат хизмати учун 200 000 сўм ундириб беришни лозим топади. Моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси эса рад этилади.

Ўз ҳуқуқи поймол этилишига бефарқ қарамаган А.Хаитов фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судига апелляция шикояти билан мурожаат қилади. Апелляция инстанцияси ажримига кўра, даъвогарнинг маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво талаби қаноатлантирилади.

Албатта, мазкур ажрим билан адолат қарор топди. Бироқ А.Хаитовнинг шикоят-аризасидаги мана бу сатрлар кишини ўйга толдиради:

"...Мен суд қарори билан ўз лавозимимга ишга тикландим, аммо яқинда яна... ишдан бўшатилдим. Ҳозирги кунда "Зармитан ГҚЭ" директори С.Жумаевнинг турли тазйиқларига дуч келаяпман. Эҳтимол, бунга корхонада йўл қўйилаётган қонунбузилишлар тўғрисида мутасадди ташкилотларга йўллаган шикоятларим ҳам сабаб бўлаётгандир. Аммо менинг ниятим холис: давлатимиз, халқимиз мулки талон-торож қилинишига йўл қўймаслик..."

Айтиш жоизки, А.Хаитовнинг шикоят-аризасидаги ушбу ҳолатларга қонуний баҳо бериш тегишли мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола. Фақат бир нарсани унутмаслик лозим: ходимни ишдан бўшатиш — раҳбарнинг кўнгил истаги билан амалга оширилмайди. Ахир, мамлакатимизда қонунлар устувор саналади.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● Табиатни асраш — бурчимиз

БИР ЯПРОҚ УЗИЛСА БЕВАҚТ...



Файласуф шоир Мирзо Бедил айтади: "Дарахт япроғига боқ, ундаги ҳар бир мўъжиза Тангрининг буюк яратувчи эканлигини исбот этиш миннатидан йироқдир". Бор-йўғи битта япроқда шунча синоат акс этган экан, дарахтнинг ўзи, мевалари, ҳатто сояси ҳам инсон боласи учун нақадар қадр-қимматга эгалиги ҳақида ҳар қанча гапирсак оз.

Бироқ, яшнаб турган шундай мўъжизанинг тагига болта урувчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Косоннинг Пўлоти қишлоғи Мерган кўчасида яшайдиган Камолиддин Отамуродов йўл ёқасидаги ҳар қайсининг айланаси 30-40 метр келадиган 7 туп чинор дарахтининг тагига болта ураётганида наҳот кўзига ҳеч нарса кўринмаган бўлса? Қачонки Қашқадарё вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари воқеадан хабар топиб, унинг устидан судга даъво аризаси киритмагунча на қўни-қўшни, на маҳалла-кўй унга лом-мим демагани қизиқ. Энди Косоннинг бошқа бир ҳудудида, яъни Гулбоғ қишлоғида рўй берган воқеани олайлик. Шу қишлоқда яшовчи дуппа-дуруст оила соҳиблари К.Шерқулов ва Ш.Шаҳриевлар кўра-била туриб, туман ҳокимлигининг захира фондида бўлган 2,2 гектар ер участкасида жойлашган 1205 туп тут дарахтини кесиб, молларга еди-риб юборганини қандай баҳолаш мумкин?

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасида "атроф табиий муҳитга зарар етказган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар етказган зарарни, шу жумладан, бой берилган фойда ўрнини қонунларга мувофиқ қоплашлари шарт ҳамда экологик талабларни бузганликда айбланаётганларнинг маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши, уларни атроф табиий муҳитга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмаслиги" белгиланган. Шу боис ҳам ҳар икки ҳолатда жавобгарлар суднинг ҳал қилув қарорига биноан тегишли жаримага тортилди.

Аслини олганда Она табиатни асраш ва уларга меҳр-оқибатли бўлиш тарбиясини, табиатни муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларимизни фарзандларимиз онгига болаликдан сингдиришимиз лозим. Худди шу ҳақдаги аждодлар сабоғини-да болаларимизга ўргатиш ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини унутмаслигимиз шарт. Зеро, бу яшнаган боғлардан келажак наслимиз ҳам баҳраманд бўлиши керак...

Наврўз РАҲМОНОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Косон тумани судининг раиси,
Гози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

TURON BANK
barqarorlik belgisi
www.turonbank.uz Tel.: +998 97 700 55 55

● Эътибор

ОИЛАВИЙ ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Оила кодексида оила барқарорлигини умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида таъминлашга доир қоидалар ўз аксини топган. Бу эса оиланинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Туманимизда жамоатчилик асосида бошқариладиган "Оила дорилфунуни" номли ўқув курси фаолият олиб боради. Унда туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ фаоллари, шунингдек, ҳуқуқшунос ва шифокорлар машғулотлар ўтказади. Бундан ташқари, жойларда жонли мулоқотлар, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Хусусан, Асака касб-ҳунар коллежида "Ёшлар йили"га бағишлаб ўтказилган тадбирда мутахассислар ва фаолларнинг "Ёшлар - эртамиз эгалари", "Маҳалланг - ота-онанг", "Эрта никоҳга шошилманг", "Оила ва никоҳ" мавзуларидаги чиқишлари кўпчиликка манзур бўлди.

Оила қураётган ёшларнинг саломатлиги ҳар нарсадан муҳим. Уларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижасида аниқланаётган хасталикларга никоҳдан аввал барҳам беришга эришиляпти. Никоҳланувчи шахснинг тиббий кўрикдан ўтиши яшаш жойидаги шифокорлар томонидан ФҲДЁ органлари берган йўлланма бўйича бепул амалга оширилмоқда.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотнома олингандан сўнг ФҲДЁ томонидан никоҳ қайд этилади.

"Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ никоҳланувчи шахслардан бирида, таносил касаллиги ёки орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) борлиги исботланса, бу ҳолат суд томонидан никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилиши учун асос бўлади. Ёшларимиз бу касаллик юқиши мумкин бўлган шароит ва ҳолатлардан эҳтиёт бўлиши, хусусан, хорижга ишга бораётган ёшларимиз мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятини тўла англаб етмоғи лозим, деб ўйлаймиз.

Оила ва никоҳ ўзига хос муқаддас тушунчалардир. Шу боис улар нафақат қонун, балки азалий маънавий қадриятларимизга бўлган эҳтиром асосида ҳам ҳимоя этилиши, ардоқланиши даркор.

Муборак САИДОВА,
Асака тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

● Қилмиш

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Юлдашбай негадир безовта, байрам ҳам унга татимаётгандай эди. У муқаддам судланганига қарамай орадан ўн йил ўтиб, яна жиноят кўчасига кирди. Кеч соат 24 лар чамаси эди. Олдиндан тузилган режа асосида Тўрткўл тумани, А.Адаккаев ширкат хўжалиги томон йўл олган Юлдашбай беихтиёр "қора" ўтмишини кўз олдига келтирди, аммо ортга қайтмади, "ўлжа" томон йўлида давом этди. У шу ширкатда истиқомат қилувчи Атаниязова Наргизанинг уйини тунашни ният қилганди.

Наргизанинг уйига дераза орқали кирган Юлдашбай хонадаги сандиқнинг зулфини бузаркан, уйнинг тинчлигига яна бир карра қулоқ тутиб кўрди. Шундан сўнг сандиқ ичидан 67.000 сўм пул, 50.000 сўмлик икки дона аёллар кўйлаги ва яна 80.000 сўмликка яқин турли хилдаги кийим-кечак ҳамда хўжалик буюмларини ўғирлаб чиқиб кетди. Бу иши билан Атаниязова Наргизага 200.000 сўмдан ортиқ моддий зарар келтирди. Орадан уч кун ўтиб, яна "ов"га чикди. Бу гал у мазкур хўжаликда яшовчи Курбанниязова Зулайҳонинг уйига тушмоқчи эди. Юлдашбай бу сафар уйга кириши ҳамон телевизор тагидан 249.000 сўм пул "топиб олди". Сўнгра бу ердан яна 20.000 сўмдан ошиқроқ миқдордаги нарсаларни ўмариб ташқарига йўл олди.

Яна бир куни ён қўшнисининг уйида тўй тантаналари тугагач, Юлдашбай уйга қайтди. Эрта тонгда спиртли ичимлик таъсирида бошини аранг кўтараркан, "Ҳа, кеча Ражаб ота Олим почтачидан нафақа пулини олаётган эди!" деди ўзига ўзи. Зум ўтмай отахоннинг уйи олдида пайдо бўлди. Бу пайт Ражаб ота ташқарида, ширин уйқуда ётарди. Ўғри уй эшигида боғланган ипни ечиб ичкарига кирди. Хуллас, шу куни тонг саҳар Ражаб отанинг 75.000 сўм пулини ўмариб қайтганидан анчайин хурсанд эди. Аммо эрталаб уйи олдида ўтирган Юлдашбай Ражаб отанинг келаётганлигини кўриб кўнгли безовталанди. Улар саломлашаркан, Ражаб отанинг биринчи саволи шу бўлди: "Менинг пулларимни сен олдингми?". "Тушунмадим. Қанақа пул? Нима, сизнинг пулингизга қараган куним бор эканми?" Отахон унинг гапларига ишонмади. Хавотирга тушган Юлдашбай эса жанжалга "барҳам" бериш мақсадида ҳеч иккиланмай кекса отахоннинг юзига мушт туширди... Анча тортишувдан кейин, отани қўлтиқлаганча шаҳар марказига йўл олган Юлдашбайни ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари тўхтатишди.

Моллаев Юлдашбайнинг барча қилмишлари ошкор бўлди. Жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани суди жиноятига яраша жазо тайинлади. Ўғирлик билан топилган пул уни эл олдида изза бўлиши, одамларнинг ишончини яна йўқотишига сабаб бўлди.

Насиба РАЖАПОВА,
жиноят ишлари бўйича Тўрткўл тумани суди раиси,
Акмал ТОЖИМУРОД ўғли,
журналист

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги Нукус шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Узун тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига;
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Шаҳрисабз тумани 1-сонли давлат нотариал идораси ва Деҳқонобод тумани давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун телефонлар:
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (8-361) 223-15-82, 223-81-27.
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси: (8-376) 223-37-69, 223-26-43.
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси: (8-375) 223-01-62, 223-01-67, 223-01-76.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»дан хушхабар!

UZBEKISTAN airways

2008 йил 28 июлдан

Тошкент – НАВОИЙ – Тошкент

йўналиши бўйича қатновлар сони оширилади.
Энди Сиз Навоийга ҳар куни учишингиз мумкин, учиш вақти:
Тошкентдан 07.00,
Навоийдан 09.20.

Батафсил маълумотларни олиш учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 140-02-00
Навоийда: (436) 223-40-70
www. uzairways. com

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» - хавфсизлик, барқарорлик, қулайлик!»

New Holland TL 100 трактори

Ерга ишлов беришда тўлиқ цикл (ер ҳайдаш, бороналаш, култивация қилиш, юмшатиш, чизел, канал қазиш, ўғит сочиш, ер сатҳини текислаш) ва юк ташиш учун

Мўлжалланган

Асосий техник кўрсатгичлари:
- қуввати - 100 от кучи;
- конструкцияси соддалаштирилган, Ўзбекистон ҳудудида ишлаш учун мослаштирилган;
- цилиндрлар сони - 4 Турбо;
- узатмалар сони, секинлаштиргич мосламаси билан (олдига-оркага) - 12/12;
- тезлик диапазони - 0,4 - 40 км/с.;
- юк кўтариш қобилияти - 2700 кг;
- умумий оғирлиги (қўшимча юки билан) - 3565 кг.;
- ВОМ - 540 / 1000 айланиш/мин.

Трактор New Holland TL 100

Предназначен
для полного цикла агротехнических работ по обработке почвы (вспашка, боронование, культивация, чизель, посев, каналокопатель, разбрасыватель удобрений) и транспортировки

Основные технические характеристики:
- мощность 100 л.с.;
- с упрощенной конструкцией, адаптированный к условиям Узбекистана;
- количество цилиндров - 4 Турбо;
- число передач с замедлителем хода (Вперед - Назад) - 12 / 12;
- диапазон скорости - 0,4 - 40 км/ч.
- грузоподъемность - 2700 кг
- общая масса трактора: 3565 кг.
- ВОМ - 540 / 1000 об/мин.

"ЎзКейсСервис" ҚК сервис марказларининг жойлашиши

Ҳудуд	Манзил	Тел:	факс:
Марказий идора	Тошкент ш. Фурқат к-си 16 блок 1	8 71 120 60 97	8 71 120 89 77
Андижон	п. Чинобод, проспект Чинобод, 5	8 365 222 75 60	8 374 222 31 79
Фарғона	Боғдод ш., Усмон Юсупов к-си, 137	8 373 479 13 48	8 373 479 11 51
Наманган	Уйчи ш., Беруний к-си 7	8 369 482 21 28	8 369 482 20 75
Тошкент	Ўртачирчиқ р-н, пос. Қорасу 2	8 71 120 79 51	8 71 120 79 51
Сирдарё	Гулистон ш., Тошкент к-си	8 367 227 74 65	8 367 227 74 57
Жиззах	Пахтакор р-н, Пахтакор ж.х.	8 372 226 41 02	8 372 353 15 93
Самарқанд	п. Чархин, Баҳхиен к-си	8 590 704 23 70	8 371 107 22 39
Қашқадарё	Қарши ш., Бешкент йўли	8 375 227 65 30	8 375 227 70 69
Сурхондарё	Термиз ш., Саида Зуннунова к-си, 19	8 376 222 43 42	8 376 222 33 33
Бухоро	Бухоро ш., Халқлар дўстлиги к-си, 22	8 365 222 75 60	8 365 222 60 27
Навоий	Ибн Сино ж.х.	8 436 532 45 62	8 371 130 10 65
Хоразм	п. Янгибозор, Фурқат к-си, 1	8 362 419 34 66	8 362 419 34 99
Қорақалпоғистон	Нукус ш., Тўрткўл йўли	8 361 223 48 32	8 361 223 48 32

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Республика юристлар малакасини ошириш Маркази қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади:

1. **"Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанлари"** кафедраси бўйича профессор, фан доктори — 1, доцент, фан номзоди — 1, катта ўқитувчи фан номзоди — 1, катта ўқитувчи илмий даражасиз — 1.
2. **"Давлат-ҳуқуқий фанлар"** кафедраси бўйича профессор, фан доктори — 1, доцент, фан номзоди — 1, катта ўқитувчи фан номзоди — 1, катта ўқитувчи илмий даражасиз — 1.
3. **"Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари фанлари"** кафедраси бўйича кафедра мудири фан доктори — 1, профессор, фан доктори — 1, доцент, фан номзоди — 1, катта ўқитувчи фан номзоди — 1, катта ўқитувчи илмий даражасиз — 1.
4. **"Жиноий-ҳуқуқий фанлар"** кафедраси бўйича профессор, фан доктори — 1, доцент, фан номзоди — 1, катта ўқитувчи илмий даражасиз — 1.
5. **"Фуқаролик ҳуқуқий фанлари"** кафедраси профессор, фан доктори — 1, доцент, фан номзоди — 1, катта ўқитувчи фан номзоди — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Директор номига ариза;
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонларни тасдиқловчи ҳужжатлар;
4. Илмий ишлар рўйхати.

Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, "Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 15-уй.
Телефонлар: 232-19-60, 232-19-64, факс: 232-19-63.
Веб сайтимиз: e-mail: info@uzmarkaz/uz

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг қошидаги нотариат бўйича «Малака» комиссиясининг 2008 йил 9 июльдаги 10-сонли қарори билан 1997 йил 29 августда Тургангул Бекмуратовага вазирлик томонидан берилган КР 000232-рақамли нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича «Малака» комиссиясининг 2008 йил 8 августдаги 11 сонли қарори асосан Шўрчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус З.Фатхиеванинг нотариуслик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши бир ой муддатга тўхтатилди.

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси Нишон тумани давлат нотариал идораси катта нотариуси Шайманов Абдували Ўраловичга онаси

Бахтбиби ШАЙМАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўриғош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-715. Тиражи — 11153. [t] — тижорат мақола.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.
1 2 3 4 6 7 8